

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ҚУРАТОВА МАНЗУРА ЯРҚИНБАЕВНАНИНГ
ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД АСАРЛАРИ БАДИИЯТИ
(Адиб ҳақоялари мисолида)
МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

доцент Қ. ҚЎБАЕВ

ГУЛИСТОН - 2013

**Мавзу: ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД АСАРЛАРИДА БОШ
ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ**

Режа:

Кириш.

**I БОБ. ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ҲИКОЯЛАРИДА БОШ
ҚАҲРАМОН ТАВСИФИ**

II БОБ. ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳикоя жанри кўп даврлик ривожланиш босқичи давомида неча марта янгиланиб, қайта-қайта шаклланиб, тараққиёт сари юксалиб бормоқда. 2000-йиллар ўзбек ҳикоячилигининг анъанавий реалистик адабиётдан ажралиб турадиган катта фарқи шакл ва мазмунда рўй берадиган ўзгаришларда кўринади. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида давр кишиларининг ўй-ташқишлари, қувонч ва изтироблари ифодаси кенг ўрин эгаллаб, илгари учрамаган янги-янги образлар пайдо бўлмоқда. Бу имкониятлар таниқли ёзувчимиз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикояларида миллий насримизга янги мавзу, янги материал, янги қаҳрамонлар олиб келди.

Шу ўринда юртбошимизнинг «Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»¹ - деган фикрларини эслаш жоиз. Ушбу фикрларни бугунги кун ҳикоячилигининг инсонга берадиган маънавий таъсир кучи билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида маънавиятнинг турли жабҳалари турли хил характерлар ёрдамида янгича талқин ёки янги типдаги тимсоллар орқали шакллантирилган.

Ёзувчи ижодидаги, айниқса ҳикояларидаги характерларнинг ўзига хос талқинини ўрганиш, унда тасвирланган тимсолларнинг инсон маънавиятига берадиган таъсирини аниқлаштириш, уларни юзага келтиришда ёзувчи маҳорати масаласи ва ёзувчи қўллаган услубларни ўрганиш бугунги кун адабиётшунослик соҳасидаги долзарб муаммолардан бири дея ҳисоблаймиз.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоянавислик маҳоратини ўрганиш ва таҳлил қилиш битирув малакавий ишининг долзарб мавзудалигини асосидир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 й., 9-бет.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида ўзига хос ўринга эга бўлган ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида бош қаҳрамон масаласи, адибнинг бадиий маҳоратини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Ушбу масала ечими қуйидаги вазифаларни амалга ошириш туфайли юзага чиқади:

- Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикояларида характер яратиш маҳоратига эътибор бериш;
- Характер яратишда ёзувчи қўллаётган услуб ва ўзига хос тимсолларни ўрганиш;
- Ҳикоялар бадииятини ёзувчининг бадиий маҳорати нуқтаи назаридан тадқиқи этиш;
- Хуршид Дўстмуҳаммаднинг сўз қўллашдаги ўзига хос жиҳатлари ва яратган образларидаги миллийлик унсурларини текшириш кабиларни тадқиқ этиш назарида тутилган.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги бу мавзу юзасидан ҳали йирик тадқиқот ишлари яратилмаганлигида кўринади. Хуршид Дўстмуҳаммад асрлари, хусусан, ҳикояларида бош қаҳрамон, бадиий маҳорат масалалари кичик тадқиқотлар айрим масалалардагина тадқиқ этилгани, ҳали аниқ умумий назарий хулосаларга келинмагани бунинг исботидир.

Ишда Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида характер яратишдаги ўзига хосликлар аниқланди. Шунингдек, ишда ёзувчи ҳикояларида бош қаҳрамон, бадиий маҳорати масаласи ҳикояларни таҳлил ва тадқиқи этиш орқали илк бора атрофлича текширилди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикоялари бадиияти кенг миқёсда ўрганилди ва зарур ўзига хос назарий хулосаларга келинди. Эришилган натижалар шуларда кўринади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий иши ҳозирги ўзбек насри тараққиётини ўрганишда ҳамда ҳикоячиликдаги ўзгаришларни аниқлашда муҳим манба бўлиши мумкин. БМИ дан реферат ишлари, ёзувчи

адабий портрети билан боғлиқ тадқиқотлар ва БМИлар ёзишда фойдаланиш мумкин.

БМИ нинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ҲИКОЯЛАРИДА БОШ ҚАҲРАМОН ТАВСИФИ

«Ўзбек бадиий насри кейинги йилларда ижодий – услубий ранг-баранглиги, руҳий ва фалсафий таҳлил, характерлар ва мавзулар талқини борасида жиддий янгиланишлар, ўзгаришлар ҳисобига бойиди. Хуршид Дўстмуҳаммад бугунги прозамизни янги шаклий-услубий ва тасвирий изланишлар билан бойитаётган ёзувчиларимиздан»¹.

Ўзбек ҳикоянавислиги мустақиллик даврида ўзига хос шаклий изланишлар даври бўлди. Кейинги йилларга келиб ўзининг ранг-баранг мавзулар кўлами ва шаклий ўзгаришларининг янги кўринишлари билан ҳам ажралиб туради.

Ҳикоянавислик соҳаси ўзига хос кенг миқёсдаги шаклланиш даврини бошидан ўтказди. Унинг илк илдизлари мумтоз адабиёт намуналари таркибида шаклланди. Ва кейинчалик ўзининг специфик хусусиятларини ўзида мужассам этди.

«У жуда кўп даврларни, муаллифларни, ранго-ранг ғояларни, ҳодисаларни, хилма-хил қаҳрамонларни кўрди, аммо унинг ҳажми, шакли деярли ўзгармай келаяпти»² - деб ёзган эди мунаққид Умарали Норматов.

Ҳозирги кунда яратилаётган ҳикояларда янгича шакллар, мавзу ранг-баранглиги, қамров йўнилишининг кенглиги, шакл ва мазмундаги изланишлар яққол кўзга ташланмоқда. Ҳикоялардаги бундай ўзгаришлар, янгиланишлар, миллийлик, аввало янги ҳаётий воқеа-ҳодисалар, янги характер ва образлар яратишдан бошланмоқда.

«Ҳикоячилик жанрининг бадиий такомилига хос белгилардан бири шундан иборатки, ёзувчиларимиз юзага келган ижодий эркинлик туфайли ноанъанавийлик кўринишдаги, янги типдпги қаҳрамонларни, ўзига хос миллий характерларни адабиёт майдонига олиб кирди»³. Бундан миллий характер муаммоси аввал бўлмаган деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки

¹ Д.Тўраев. Ранг-баранг услублар жилоси.Хуррият.2009. 18 март.15-сон, 3-бет.

² У.Норматов. Насримиз анъаналари. Т., 1974, 3-бет

³ Т.Сатторова. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилиги миллий характер муаммоси.Т., 2002, 3-бет.

Ўзига хос миллий характерлар 60-70 йиллар ўзбек ҳикоячилигида ҳам муайян даражада шаклланган эди. Лекин аксариятида шўро мафкураси ғояларига бўйсуниб, ушбу ғоялар тарғиботи қисман бўлса-да кўзга ташланарди.

Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ифода, шакл ва мазмуни жиҳатидан анча бойиди. Характер, хусусан миллий характер яратиш борасида ўзига хос тажриба шаклланди. Бадиий характер яратиш борасида ҳукмрон мафкура тажовузидан холи бўлиш, шаклий-услубий изланишлар инсон руҳияти тадқиқотини янги бадиий мезонларга кўтаргани сезилади. Бундай йўналиш Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ҳам кўринади. Унинг жиддий изланишлари натижасида янгича тасвир, теран фалсафий-бадиий талқин, қаҳрамон руҳиятини ифода этишга интилиш каби хусусиятлар асосий тенденцияга айланган.

Ёзувчининг кўпчилик ҳикояларида ўзбек ҳикоячилигининг ғарб адабиёти намуналари билан уйғунлашган ҳолатдаги шаклини кузатиш мумкин. Ёзувчи бундай ҳикояларни ҳозирги модернистик услуб деб аталган йўналишда ёзган. Яъни аксар ҳикояларда рамзийлик образлиликка уйғун ҳолатда акс эттирилган. Рамзий образларнинг талқини, мажозийлик ҳикояларининг асосини ташкил этади.

Хусусан, ёзувчининг «Жажман» ҳикояси бунинг яққол далили.

Ушбу ҳикояда XX аср жаҳон адабиётининг миф ва ривоятлар, армзий образларга мурожаат қилганлари кўзга ташланади. Илғор анъаналарни ижодий давом эттириш йўлидан боған ёзувчи ҳам «Жажман» ҳикоясида қаҳрамонни рамзий образлар, ғайриоддий вазиятлар қуршовида яратди. У драмматик лаҳзаларга бой, кутилмаган вазиятларни кўрсатиш орқали миллий характер яратишга доир ўзига хос йўллар излайди. Ҳикояда Жажман Зардушт бобо ҳақидаги фалсафий фикр ва мулоҳизалар, дунё ҳақидаги ҳикоялар турли бадиий тасвир воситалари орқали, балки табиий ва жонли ҳолатда тасвирлаб берилган. Ёзувчи ҳикояда бир қанча характерларнинг намуналарини яратган. У ҳаракатлар, имо-ишоралар, турли ҳаётий

тўқнашувлар орқали дунёдаги даврдаги бир қанча шахсларнинг фиёфасини, маънолар оламнини чиза олган, муайян тасаввур уйғота олган.

Хуршид Дўстмуҳаммад Жажманни ўзига хос маънолар жамланмаси сифатида тасвирлайди. Яъни уни кичкина, кўзга кўринмас, еб тўймас махлуқ сифатида намоён қилади. Ундаги ушбу умумлашмалик, барча ҳатти-ҳаракат инсонлардаги салбий характерлар жамланмаси, нафснинг рамзи дейиш мумкин. Зардушт бобо эса инсониятни эзгуликка чакирувчи, огоҳ этувчи образ бўлиши керак, лекин асарда ушбу тимсолнинг ҳатти-ҳаракатларида сустлик, ночорлик ва ҳаракатсизлик сезилади. Асарда жажманнинг портрети шундай берилади:

«Бобо шундагина бу ғаройиб жондорнинг башарасини аниқ-тиниқ кўрди-махлуқнинг кўзи, кулоғи, тумшуғи дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб тинимсиз товланар эди...»Олмахон-ку!» деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб, «тулки минан сичқондан тарқаган кўринади», деган ҳаёлга борди, бир пас жим қолгач эса, «қорни кенгуриники..-деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб, «Ё, одамдан тарқаганмикин?!»деб ўйлади ва беихтиёр шак келтириб қўйгандек шошиб ёқасига туплади...»¹.

Бунда тасвирланган махлуқ жуда кичик бўлишига қарамай, жуда эпчил ва чаққон, шу билан бирга очкўз ҳам эди. У пайдо бўлган кунидан бошлаб тим аҳлининг ҳаловати йўқолди. Чунки у қўлига илинган насани оғзига солар, шунингдек, кенгуруникига ўхшаш ҳалтасини ҳам тўлатиб борар эди.

Асарда Зардушт бобо образи ва Жажман икки қарама-қарши характер. Улар ёзувчининг ушбу ҳикоя учун мўлжалланган асосий ғоясини ташиш вазифасини олган.

Зардушт бобо-ижобий образ, лекин бу образда фаоллик етишмайди. У атрофда Жажман билан боғлиқ юз бераётган барча воқеликни кўриб, идрок этиб турса-да, тим аҳлига лом-лим демайди. Аслида у бу махлуқнинг нима эканлигини илк кўрган заҳотиёқ билган, бундан барчани огоҳ қилиш унинг

¹ Х.Дўстмуҳаммад.Жажман.Т., Шарқ., 1995. 208-бет.

вазифаси эканлигини ҳис қилган эди. Лекин у асар охиригача ҳам барибир тим аҳлига буни ошкор қилмайди.

Ёзувчининг позицияси, балки асарда шундай одамларни кўзи ўз хулосаларига кўра очилишини иташдадир. Лекин улар Жажманни биринчи пайдо бўланида нафрат билан, кейинчалик эса катта қизиқиш билан кузатади. Ҳатто уни эрмак қилишни одат қилишади:

«...Махлуқ кўринди дегунча «Ма, Жажман, ма!» деб унга майиз, писта, ёнғоқ ташлайдиганлар чикди. Жажман ҳеч кимдан тап тортмас, хаш-паш дегунча: «хайр-садақа»ни еб-халтасига солиб битирар, туршакни гоҳ данаги билан ютиб юборар, гоҳ қарсиллатиб чакиб мағизини чаппиллатиб чайнар эди. Унинг зиғирдек қўли, бармоқлари, зиғирдек тумшуғи-ю сичқонникидай оғзига, моғор тусидаги митти кўзларига қараб...бозорчилар кулгани-кулган эди, бора-бора унинг еб-тўймаслигидан, очофатлигидан юмалаб-юмалаб кулиб вақтичоғлик қиладиган бўлдилар. «Уни мен тўйдираман! Йўқ, қорни ёрилиб кетгунча мен боқаман уни!» деб баҳс бойлайдиганлар чикди, лекин ҳар сафар «Тўйдираман!»деб катта кетганлар чув тушаверди, Жажманнинг еб тўймаслиги сирлигича қолаверди...»¹.

Ушбу «сир»ни юқорида ҳам таъкидлаганимиздек Зардушт бобо фахмлар эди. Чунки у болалик чоғларидаёқ бу махлуқнинг моҳиятини англаб олган эди. У момоси Оташ момонинг кучоғида чўпчак эшитиб катта бўлган чоғларини эслади ва бир куни ухлаб қолиб кўрган тушида осмондан ёпирилган кузғунларни кўргани, кейин эса момоси сўзлаган ривоятдаги катта ҳовучли девсифат махлуқнинг момосини кафтларига солиб олиб кетиб қолганини эслайди. Шунда момосининг лом-лим демагани ва қайтиб уйғонганлигини эслайди. Бу ҳовучлар Ахраманнинг ҳовучи эканлигини Зардушт бобо биларди. Бу махлуқ Жажман эса ана шу Ахраманнинг Аҳурамаздага қарши жўнатган мавжудоти эканини ҳам биларди. Чунки ушбу махлуқ икки томон курашида Ахраман қўллаган қурол каби пайдо бўлади ва

¹Дўстмуҳаммад.Жажман.Т., Шарқ., 1995. 210-бет.

Ахурамазданинг қуроли бўлган оловда ҳам ёнмайди. Ҳатто уни мазахлаб, елкаларига чиқиб-тушиб ётади.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ушбу махлуқ-нафснинг рамзи. У асар ғоясига кўра ёвузликдан пайдо бўлган ва эзгулик илоҳининг қудрати унинг олдида ожизлик қилади.

Бу ҳақида адабиётшунослар ҳам ўз муносабатларини билдириб келмоқдалар.

«Ёзувчи ҳикоясида Жажманни ўзи кичкина, кўзга кўринмас, еб тўймайдиган махлуқ сифатида тасвирлайди. Унинг барча хатти-ҳаракатлари инсондаги ёмон феъл–атворлар, нафси бузуклик иллатининг рамзий кўринишларига ўхшайди. Зардушт бобо эса инсониятни доимо эзгуликка, яхшиликка чақириб, огоҳ қилиб турувчи образга айланади»¹. Олимнинг таъкидлашича зардуштийлик таълимотидаги Ахурамазда-эзгулик рамзи бўлиб, Зардушт бободан асарнинг бир ўрнида таралган нур ўша таълимотнинг тимсоли сифатида гавдалантирилганига ишорадир.

«Рамзий Жажман орқали одамлардаги манфаатпарастлик, очофатлик, тубанлик, разиллик тасвирланса, Зардушт бобо сиймосида олижаноблик ақл ва тафаккур билан иш юритиш яратганга шукрона қилиш ифода этилади. Ҳикоя эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш – икки қарама-қарши дунёқарашга эга бўлган образ орқали чуқур умумлаштирилиб берилади»².

Шунингдек, олим ҳикоядаги барча рамзларга ўзига мос баҳоларни беради ва рамзийлик айнан қайси маъноларни бераётганлигини конкретлаштирган ҳолда баён қилади:

«Ҳикоя сюжети реал ижтимоий ҳаёт воқеалари асосига қурилган. «Жажман» соф рамзий-фалсафий ҳикоя. «Бу ерда Бозор - дунёвий ҳаёт, Жажман – нафс, Зардушт бобо-иймон, эътиқод, оломон-маърифатсизлик рамзи», -деб таъкидлайди ёзувчининг ўзи. Ҳикояда шарқ фалсафий

¹ А.Тўйчиев. Миллий характер яратиш йўлида, Жаҳон адабиёти, 2007, июль, 159-бет.

² Ўша манбаа, 159-бет.

дунёкарашининг ўзига хос талқини, миллий характерлар, миллий колорит ўз бадий умумлашмасини топган»¹.

Бунда ёзувчининг ўзи ҳикоянинг рамзий-фалсафий мазмун касб этаётгани таъкидланганлиги маълум бўлади. Шунда аслида ушбу тимсоллар бугунги кун инсонларини ҳам ёвузликларда огоҳ этиш учун яратилганлиги аёнлашади.

Зардушт бобо юқорида ҳам таъкидлаганидек иймон рамзи бўлса-да, асарда унинг курашувчанлиги умуман сезилмайди. У нима эканлигини билиб турган воқелиги учун оддий томошабин бўлиб қолаверади. Масалан, ҳикояда Жажман тим аҳлини безор қилиб, ҳатто уларни мазахлашгача етганида уни ўлимга маҳкум қилишади. Шунда чопонли жийдафурушдан фотиҳа олиш ҳақидаги фикр чиқади:

- Ҳой, яхшилар лоақал бобомиздан оқ фотиҳа олишни унутманглар. Шовқин ўша заҳоти тинди, оёққа қалққан издиҳом Зардушт бобо томон ўгирилди. Сўзамол ёнғоқфуруш тўда олдиға ўтиб бободан ижозат сўраб саволамуз термилди. Бобо кўзларни қисиб унга тикилди, сўнг ҳудудсиз осмонга кўз югуртирмоқчидек бошини вазмин кўтариб одамларнинг боши узра тўғрига-тим одоғи томон нигоҳ солди. Чурқ этган сас эшитилмас, жамоат нафас олмай бобонинг оғзини пойлаётган эди. Бобо рўпарасида илҳақ турган фуқаро дардида Аҳурамазданинг ўзидан мадад сўрамоққа лаб жуфтлади, лафз айтишга улгурмай тим адоғидаги девор ортидан... зорланганнамо гурсиллаган шовқин чалинди қулоғига»².

- «Яхшилар»га мурожаатларида ҳам кўп ўзига хос маъно бордек, чунки эзгулик кўп жойда ёвузлик чекинади. Одамлар эса ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтаради. Балки шунинг учун ҳам яна бир Жажман тимда пайдо бўлади.

¹ А.Тўйчиев. Миллий характер яратиш йўлида, Жаҳон адабиёти, 2007, июль, 159-бет.

² Дўстмуҳаммад. Жажман. Т., Шарқ., 1995. 210-бет.

Бобонинг курашчан эмаслиги яна бир эпизодда кўринади. Яъни у ўй оғушида ўрнидан туриб, ташқарига йўналган жойида Жажманга кўзи тушади. Ўша пайтда махлуқ ухлаб ётган майизфурушнинг рўпарасида мардона қуриб ўтириб олиб, лагандаги ошга қўл чўзгандай бемалол унинг қўйинини кавлаштираётган эди. Буларни шунингдек, Жажманнинг олган пулини бобосидан ширинлик ундирган боладек ирғишлаб олиб кетаётганлигини ва девор туйнугидан пайдо бўлган қўшалок ҳовучга қопчиғини ағдариб топширганини кўриб туради. Лекин одамларни бундан огоҳлантириш фикридан қайтиб, Ахурамаздадан уларнинг дилини нурафшон этишни сўраш билан чекланади.

Зардушт бобонинг бундай жим туриши ва Жажманни индамай томоша қилиши асарнинг яна бир қанча ўринларида учрайди. «Еганингча еяверчи», деди бобо шивирлаб. Жажманни чўчитиб юбормаслик учун, сўнг махлуқ жон ҳолатда қопчиғини тўлдиришга тушганини кўриб беихтиёр кулимсиради, «Нафсинг бузилгани кунинг битганиданмикан? –деб сўради»¹.

Зардушт бобонинг индамай туриши бошқа тимдагиларнинг ҳам эътиборини тартади. Уларнинг Жажман ҳақидаги саволларига мийиғида кулиб турган бободан жаҳллари чиқади.

- Барибир тутамиз!...Сиз кўмаклашмасангиз ҳам бу аблахнинг уруғини қуритамиз!..

Уларнинг бундай гапларига Бобо яна ичидан Ахурамаздага илтижо қилиб, ўз нурини дариғ тутмаслигини ўтиниши билан жавоб қайтаради.

- Ҳаммасини кўриб турибсиз, айтсангиз бўлмайдими, бобо?! Қандок қилсак тутамиз, у баччағирни!.. Йўқотайлик, қутилайлик, хотиржам яшайлик, ахир!...².

Лекин бу ўтинч ҳам Зардушт бобо томонидан жавобсиз қолдирилади. Чунки бобо энди бир кўнгилсизлик бўлишини ҳис этаётган эди. Ёзувчи нима сабабдан бобо характерини эътиқоди буюк, иймон нурини

¹ Дўстмуҳаммад. Жажман. Т., Шарқ., 1995. 217-бет.

² Ўша китоб, 218-бет.

таратувчи қилади-ю, лекин инсонларни тўғри йўлга бошлаш каби миссия бажарувчи қилмайди, деган савол туғилиши мумкин. Бунга асосий сабаб, бизнингча, ёзувчининг бугунги кунда инсонлар бирор бир йўлбошчига бўйсиниб эмас, балки мустақил фикрлашлари, мустақил қарор қабул қилишлари лозимлигини айтиш билан огоҳлантириш беришда дейиш мумкин.

Хуллас ҳикоялардаги Зардушт бобо иймон-эътиқод рамзи ва ўзида эзгу ниятларни шакллантирган. Ўз динининг пешвоси сифатида талқин этилади. Лекин бўлаётган барча воқеаларнинг оддий томошабини бўлиб қолишда эса юқоридаги маъно бор.

Ҳикоядаги Жажман образида эса инсонларнинг нафси ва очкўзлиги рамзини кўриш мумкин. Жажман образи тасвирланишида негадир унинг одамларни мазахлаш, ҳаракатланаётганидаги уларга нисбатан хотиржам муносабат сезилади. Шунингдек, унинг ўзи очкўз бўла туриб негадир «ўлар ҳолатда ориқ, қўл-оёғи гугурт чўпидек қилтириқ, фақат у чунонам шиддат билан ҳаракат қилар, ҳаш-паш дегунча майиз уюмининг биқининин ўпириб ташлаган эди»¹.

Ҳикоя давомида Жажман бирор марта сўзламайди, лекин асар охирида унинг уриб, йиқитиб, қўлга туширилганидан сўнг тим аҳли томонидан ўлдирилиши жараёнида унинг оғзидан бир оғиз сўз чиқди

- Ло....кила!...Локил....ла!...²

Ушбу сўзнинг маъноси бир қараганда тушунарсиздек туюлса-да, бундан ўзига хос маъно топган адабиётшунослар ҳам мавжуд. Хусусан, Б.Рўзимуҳаммаднинг тадқиқотида кўзга ташланади. У ёш танқидчи Н.Довурбоевнинг «Ёшлик» журналининг 1991 йилги 5-сонидagi «Жажман»нинг жилвалари» мақоласидаги текширувларга муносабат билдиради. Унда Жажманнинг «Ло...кила!...Локил....ла!...»калимаси ҳеч қандай маъно англатмаслиги ҳақидаги фикрни инкор қилади. Тескарисига

¹ Дўстмуҳаммад.Жажман.Т., Шарқ., 1995. 217-бет.

² Ўша китоб, 220-бет.

ўқиб кўрайлик: «ал...ликол! Аликол!» демак, у бозор аҳлига салом бераяпти. Чунки салом бергангина «алик ол» дейишга ҳақли. У ўзини таништирмоқда ва бошқаларни-да таниганини маълум қилмоқда¹.

Бизнингча, эса бу сўзларнинг маъноси қандай салом берсанг шундай алиқ олинади, яъни ўзлари қилган ёмон амаллар учун жавоб олаётганларига ишора. Шунингдек, яна ушбу сўзлар яна бир Жажман келаётганини, унинг номидан саломига алиқ олишларини

Оқ либос

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг тарихий фактлар асосида ёзилга “оқ либос” ҳикояси ҳам ўзига хос услубга эга. Ҳикоянинг оқ либос деб номланишида ҳам рамзийлик бор. Чунки, китобхон оқ либос деган сарловҳасини ўқиши билан ҳикоянинг нима ҳақдалиги, унинг сюжети, нега бундай ном қўйилганига қизиқиши ортиб, ўқишга киришади. Бу ҳикояда оқ либос тинчлик рамзи сифатида гавдаланади. Зеро, оқ ранг поклик, софлик, тинчлик, беғуборлик, мусаффолик рамзидир. Бу ранг инсонга нисбатан берилганда ҳам ғализлик туғдирмайди. Ҳикояда Тошкентдаги тўрт дахани бирлаштириб, катта кент шаҳрига асос солган ҳоким Юнусхўжа ҳақида келтирилади. Юнусхўжа юртининг тинчлиги, халқининг маъсудлигига қарамай Ражаббектўрадек мунофиқ кимсаларнинг айёрлиги, тилёғламалигига учраб, унинг маккорона режасига учиб, хон тахтини олишни истаб қолади. Ражаббектўра хон Кентимизнинг обрўси кундан кунга ошаётганига душман кўзи билан қараб юртимиз остонасига бостириб келиши мумкин деган гап билан ҳокимни хонга қарши уруш қилишга кўндиради. Юқоридаги нияти билан ҳокимнинг ўғли Султонхўжани ҳам ўз мақомига солиб улгуради. Бу ёқда ҳокимнинг онаси зукко, ақлли, тадбирли ва ватанпарвар Омила онахоннинг бетоб бўлиб ётишида ҳам юртга садоқат меҳр-муҳаббат, ҳокимга нисбатан оналик меҳри уфуриб туради. Она шундай хаста ҳолида ҳам юртига, халқига соя солаётган қора булутларни сезади. У азобланаётган

¹ Б.Рўзимухаммад. Адабиётга бефарқ қараяпмизми? ЎзАС.2001 №51. 7 декабр. 3-бет.

аҳволда ҳам ўғлини, юртининг тинчлиги, улуснинг осойишталигини ўйлаб тўлғанади, ўғлига маслаҳат беради.

- **Мени ризо қилай десанг юртга тинчлик бер... Кентнинг бошини қовуштирдинг... бунинг савоби йетти пуштингга йетади. У ёқда отангиз ... биз тинч ётамиз, хон ўғлим. 31-бет.**

Омила онахоннинг нақадар оқила, зийрак, донолиги қуйида айтган сўзларидан ҳам маълумдир.

- **Оқил ўғиллар онани- ... улусни безовта қилмайдилар, болам. 31-бет.**

Она ўғлига тинчликни сақлаб, юртни тўғри идора қилишни насихат қилади, Султонхўжа ва Ражаббектўра ҳокимни икки ёнидан олиб гап уқтиришлари хонни уруш очишига сабаб бўлади. Бобохонтўрадек маслаҳатгўйи, мулаҳазакор, содиқ сарбози йўқлигида ,юқоридаги гапларга учиб хонга қарши ҳарбий ҳолатга тайёргарлик кўришга ёпиқ мажлисда фармон беради.

Юнусхўжанинг бу қарорига даха бекларидан Рустамхонтўра ҳамдайтиб келган Бобохонтўрага маъқул келмайди.Бобохонтўра наздида ҳокимнинг қилиғи Юнусхўжадек оқил кишининг хон ўрдасига кўз тикиши уни ортик даражада ажаблантираётган, бу иш унга шер панжасига панжа уришга чоғланаётган мушукнинг қилиғини еслатаётган еди. Ҳокимни йўлдан қайтариш учун, оқибати нима бўлиши ҳақида саволлар келтирди. Йиғилиш сўнгида Пири Тархон ҳокимни ниятидан воз кечишига уринди. Ёзувчи бу образда тўғрисўз, адолатпеша, ҳақиқат учун бошини тикишга тайёр кимса сифатида гавдалантиради.

- **Кўнглингиз хон тахтини тусаб қолибди-ку, ботинолсангиз... ёнимга ўзингиз кеелинг, - деди Тархон пинагини бузмай. 35-бет.**

Унинг юқоридаги гапида ҳам қатият, ўзига ишонч довюраклик сезилиб туради. Бу Пири Тархон образи марказий образда туради. Ҳикоя сарловҳасидаги рамзийлик Пири Тархонга берилган.

- **Мен дунёга келганда йер юзида сену аждодларинг тугул, Кенту хонликларингдан ҳам асар йўқ еди. Еҳ-хе-е мана бундай зарбоф тўн**

кийганларнинг озмунчасини кўрдимми, тўрам ... Мен еса оппоқ либосим – шу яктак, шу иштонда ...36-бет.

Пири Тархоннинг сўзларидан шуни англаш мумкинки сендай хонлик талашганларнинг қанчасини кўрдим, улар ўтиб кетишди. Мен еса мана шу оппоқ либосда, яъни бир мақсаддаман. Пири Тархон юртни ўйлайдиган қуюнчак, вазмин киши. Пири Тархоннинг донишмандлиги сўзлари: **Ўлимга тик боқиш донишмандлик, ел-юртидан кўнгли тўқ кетиш еса-саодатдир. Онангни рози қил тўрам! 36-бет.**

Ҳам чуқур маънога ега. Тархон юртни бесамар, натижаси номаълум ишга халқни безовта қилиш, тинчликка хавф солиш керакмаслигини уқтирмоқчи бўлади.

Унинг: - **Юрт тинч- оналар тинч, юрт пароканда бўлса, оналар гўрида тик туради, тўрам ... Мухораба бошланса, ота – оналар руҳи безовта бўлади ... 37-бет.**

Юқоридаги сўзларида пир Юнусхўжага урушнинг натижаси ҳақида мулаҳазакорлик билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўртанча ўғли Ҳамидхўжанинг Қураматепа вилоятини ишғол қилиши ҳам боши қотган Юнусхўжани қароридан кўнгли тўлмаганини англатади. Ҳокимнинг:

“...Инсон ҳаёти бунчалик кемтик бўлмаса,...Хушингда қувонсанг – тушингда қайғу, тушингда севинсанг – хушингда алам... Қай бири тушу, қай бири хуш? Гоҳо фарқига йетолмайсан киши...” 38-бет.

Юнусхўжанинг мулоҳазаларида ҳам чалкашлик бўлиб, унинг чуқур ўйламай қилган қарори нотинчликка олиб келди. Ўғли Ҳамидхўжа Қураматепани ишғол қилган бўлсада биринчи зафар нашидаси узоққа чўзиломай балки халқ бошига бало ёғдирди. Тонгда бутун кентликлар дахшатли тошқин ва қуюн остида қолди. Бу қуюн уларни оқизиб кетмади, йўқ, балки уларни тиғи паррондан ўтказди.

Юнусхўжа ўзига келиб уйғонганда кеч бўлган еди, ёнида Пири Тархондан бўлак ҳеч зот йўқ еди. Омила она халқни тинчитиш учун оқ либосда улус хузурига чиқади. Хижрий 1172-йил тарих зарварақларига қирғинбарот юз

берган сана сифатида қолди. Ҳикоя ҳокимнинг хонлик даъво қилиши оқибати, охири халқнинг тифдан ўтказилиши, халқнинг нотинчлиги, юртнинг нотинчлигига олиб келди. Оқил ҳокимнинг охирги қарори юрт учун ел-улус учун қимматга тушди. Онасининг огоҳлантиришига қарамай Юнусхўжа кўшинни жангавор ҳолатга келтирди. Юнусхўжани тушида оқ катта хонани кўриши, ҳоким ҳузурида халқнинг зич тўпланиши ўнгидаги уруш оқибати эканлиги, онасининг рўмоли бўйнига тушиб бўғиши бу дахшатли қирғиндан аён берган еди. Ҳоким ҳулосани кеч чиқарди. Биз бундай дахшатли тарихий воқеаларни кўп ўқиганмиз . Бу ҳикоя ҳам тарихдан бир мисол воқеани бадиий услуб орқали жонли чизгилар тасвирида сўзлатилди. Ҳикояда Юнусхўжа, Пири Тархон, Омила онахоннинг образларига катта маҳорат юклатилиши билан бўёқлар орқали тасвир аниқ кўрсатилган. Тарих солномаларида бундай воқеаларни қаламга олган ёзувчиларнинг асарларини кўп бора ўқиганмиз. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “оқ либос” ҳикояси гарчи ҳажман кичик бўлсада ўзига хос услубга ега. Ҳикоя тили сода, ҳаммага тушунарли, тарихий сўзлар иштирок қилинмаган фақат муҳораба сўзи келтирилган. Ҳикояни барча ёшдагилар ўқиши мумкин. Ҳикояда бўрттириш, салбий ёки ижобий бўёқдорликка йўл қўйилмаган. Ҳикоянинг тили равон, тарихийликни озгина бадиийлик йўли билан тасвир етган. Ҳикояда персонажлар у ёқда турсин, бош образларга портрет тасвири берилмаган. Ҳикояда бош образлар Юнусхўжа, Омила онахон, Пири Тархонларнинг хатти-ҳаракатлари, табиатидаги характери аниқ ёритиб берилмаган. Уларнинг характерлари ҳикоядаги нутқларида ўз аксини топади. Ҳикоядаги сюжет катта бўлмасада, ҳикоянинг ғояси ёзувчи тамонидан очиб беролган. Юрт тинчлиги энг олий неъмат. Омила она зукко, ташаббускор аёл сифатида, Юнусхўжа адолатли, миллацевар, Пири Тархон донишманд, қатиятли киши сифатида тасвирланади. Юнусхўжанинг биргина сўнгги қарори унинг ижобий хислатларини ювиб кетади, балки ёт таъсирларга берилиб, юртни тўғри бошқарув тизимидан адаштиради. Бу йерда оқ либос портрет детал

ҳисобланади. Оқ ранг ҳамма замонларда ҳам тинчлик-тотувлик, шодумонлик, ободлик, беғуборлик рамзи ҳисобланади. Тарихда урушда оқ байроқ кўтарган тараф таслим бўлди, урушмаймиз, тинчлик тарафдоримиз деган маъноларни англатган. Ҳикоядаги оқ либос икки кишида кўринади. Пири Тархон ва Омила онахонда ҳар иккала образнинг мақсади битта – юрт тинчлиги, улус фаровонлиги, халқнинг тотувлиги, баҳамжихат яшашини истайди. Ҳикоя сўнгги аянчли тугасада, бундан ҳозирги кунда ўзимизга ҳулоса чиқаришимиз мумкин. Ҳамма замонларда одам ато билан мома ҳаво давридан то хон замонларигача ҳам тинчлик улуғланиб, кадрланиб келинган. Ҳаттоки, бугунги кунда ҳам бу сўзда қанча улкан маъно борлиги, унинг кадри ҳеч қайси юртда тушмаслиги кузатилади. Тинчлик дея қанча қонлар тўкилиб, бошлар узилган. Тинчликни ҳеч ким бермайди, балки унга сай-ҳаракатлар орқали еришилади. Шу ўринда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам тарихда тинчлик нечоғлик кадрли бўлгани тарихий тарихий шахслар образи орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Ҳикоянинг юксак савияда, юксак дид билан ёзилганини ҳар бир китобхон ўзидан чиқиб баҳо беради. Ёзувчининг бу ҳикояси тарихийликни бадиийлик билан маълум даражадагина сўнгги ниҳоясини ёритган бўлсада, ҳикояда тинчлик масаласи юқори чўққига олиб чиқишга ериша олинган. Ҳикоядаги Юнусхўжа образига тавсиф берилмаган, балки хатти-ҳаракатларига катта аҳамият қаратилган. Омила она ва Пири Тархон образлари рамзийликка ега бўлган ҳолда, мақсадлари ҳам битта, ҳаттоки улардаги ҳарактер хусусиятларида ҳам ўхшашлик кузатилади. Ҳикоя маълум бир тарихий санани қамраб олган бўлсада, унда бадиийлик кучлик акс етган. Хуршид Дўстмуҳаммад тез-тез тарихий фактларга мурожаат етиб туради. Биз буни унинг юқоридаги ҳикоясидан ташқари “Қазо бўлган намоз”, “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикоясидан ҳам билишимиз мумкин. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад бедор мозийни тасвир етиш йўлида анча тер тўкиб маҳорати ошиб бормоқда. Ёзувчи ҳар бир ҳикоясида бош образга ўзига хос сифатларни юклайди. Ёзувчи бош образлардаги руҳий кечинмаларни, ички

интим туйғуларни ташқи муҳитга чиқармаган ҳолда шундай тасвирлайдики, ундаги руҳий психологизм қаҳрамоннинг ўзига ўзи қарши кураш қилган ҳолда тушкунлик кайфиятини келтириб чиқаради. Бу услуб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзигагина тегишли ўзига хос юксак ижодкорлик, интилувчанлик, кузатувчанлик меваси сифатида намоён бўлади.

Қазо бўлган намоз.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бу ҳикояси Собиқ ССР пайтида Ўзбекистонда ҳукум сураётган мураккаб бир даврда ўзбеклардан чиққан тадбиркор Миркомилбойнинг фофеали қисматини акс еттириб беради. Миркомилбой завод, фабрикалар бунёд етиб, чет давлатлар билан савдо алоқаларни йўлга қўйиб, мана шундай бойликка обрў- еътиборга ҳамма ҳавас қиладиган фаровон ҳаётга еришди. Миркомил тарихий шахс ҳисобланади. Руслар Ўзбекистонни босиб олиб тасарруфида идора қилган вақтда Миркомил чет елларга чиқиб, улар билан ҳамкорликда завод, фабрикаларни Туркистонга кўчиртириб олиб келган. Ҳикоя айтилиши 1900-йилларнинг бошидаги бойлар учун таҳликали вазиятни қамраб олади. Миркомил ҳикоядаги бош образ бўлиб, ақлли, уддабурон, қатиятли, тўғрисида ва чўрткесар енг биринчи бойлардан саналади. Унинг салбий қусурларидан бири ичидагини сақлай олмай айтиб юборади. Унинг ҳаммага мақсадларини яширмай айтиши душманларини ортишига олиб келади. Рақиблари унинг янада бойишини, юксалишини кўролишмайди. Унинг кўнглидаги ниятини очиқ-ойдин айтиши, писмиқ, шум, қув емаслигидан далолат беради. Миркомил ишнинг кўзини биладиган, мулаҳазокор, узоқни кўрувчи, инсонпарвар шахс сифатида гавдаланади. Унинг инсонпарварлик қиёфаси Андижондан мардикорликка олиб кетилаётган йигитларга рус ҳукумати учун пул тўлаб олиб қолишида кўринади. Миркомил кишиларга юз кўзи демай очиқчасига дилидаги гапларни айтиб, уларни ё ранжитиб қўяди, ё бўлмасам қийин аҳволга солиб қўяди. Ўзининг сир-асрорларини айтиб рақибларига душманлик қилиш учун вазият келтириб чиқаради. Миркомил марказда турувчи ижобий реал образ ҳисобланади. У қанча даромад олса ҳам юрти,

халқи равнақи учун сарфлашга ҳаракат қилади. Ўз ҳисобидан масжид , мадраса, хаммом, касалхона қурдирмоқчи бўлиб, юқори ҳукуматга хат орқали ижозат сўрайди. Юқоридагилар беш йил деганда уни ҳузурига чорлаб қуришдан мақсади нелигини сўрайди. Бу бунёдкорлик фақат сартлар учун хизмат қилишини билгач ишни орқага ташлайди. У ўзига Ёқуббойдек кимсани олиб юради, унга барча гапларини ишониб айтади.

Одамлар, “Ёқуббойнинг шахсий қўриқчиси” деб гап тарқатишади, “Миркомил унинг измидан чиқмайди” деганлар ҳам бўлди. 39-40 бет.

Ёқубхўжа оғир вазмин, гапини ўйлаб гапирадиган сирдош ҳамроҳ. Миркомил гапни чертиб гапирадиганлар хилидан, топиб гапирса ҳам қошиб гапиради. Миркомил кишиларни амали бойлиги учун қадрламайди балки ёлғондан мулозамат кўрсатадиган кишиларни ёмон кўради ва гапи билан жон-жойидан узиб олади. Бунга Темурхожи билан бўлган воқеа мисол

- **Хушомадни бандага емас,**

Худога қилинглар! ... 42-бет.

Деган гапининг ўзида ҳам адолатпешалиги намоён бўлади.

Убайдулло жунфурушникидаги мажлисда ҳам ендиги бойлардан Ниғмонбек ва ўтирган иккиюзламачиларни боқлайди. Закотдан бахс кетади. Ниғмонбек:

- **Бизлар-ку, майдай ... давлатмандликни хавас қилувчилар, холос ... ерайма бойлар орасида ҳам закотга ҳиёнаткорлар бор экан ... 43-бет.**

Миркомил:

- **Закот-ку, фарз, илло закотнинг олдида нима бор? ... - Бой жавобни аниқлаштириб оладиган фурсат жим бўлди-да, ўтирганларнинг жон-жонидан узиб олди: - Ашнақа-да, закотдан аввал ушр бор... Закот тўлови хусусида ерраймалик қилишдан бурун ушрни тушуниб қўйсинлар ... 44-бет.**

Унинг юқоридаги гапи закот ҳақида билиб-билмай гапиришлари ноўрин экани аввал ушрни билинглар кейин гапирасанлар қабилида айтилган еди. Миркомил ўзига йетганча қайсар, бир сўзли зеҳни ўткир бойлардан еди. У ўзига ўхшаган енди бой бўлиш даражасига йетаётганларга ғараз кўзи билан

карамайди, балки уларга ўзини тиклаш учун сармоя қарз бериб туради. Бундан кўриниб турадики унинг бағри кенг, қўли очиклигидан далолат беради. У ўзига ўхшаган бойлар кўпайиб халқнинг турмуш даражасини йенгиллаштиш учун хизмат қилишини хоҳлайди. У келажакда кўзлаган мақсадларини ҳаммага ишониб айтишидан кўролмайдиган, пул деса русларга ота-онасини ҳам сотиб юборишга қодир муинофиқ кимсалар Содик, Келди, Қори кабилар Миркомилнинг ҳарбир хатти-ҳаракатини рус зобити Ротмистр Розалионгахуфиялик қилади. Енг ёмони ўзбек бўла туриб ўз ватандошини сотади. Миркомил Мўминбойев ватанини севади, унинг ҳар бир тупроғини ҳеч нарсага алишмайди, юртининг равнақи учун қурилиш ишларини қилиш ниятида, аммо руслар у ёқда турсин ўз ватандошлари унинг қоқилиши учун душманлик қилмоқда.

Миркомил Истанбулда Анвар пошонинг таклифини рад етди. Таклиф Истанбулда яхши ҳаёт ваъда қилинган еди. Миркомил ватанидан айрилиқда яшашни истамади.

Анвар пошога Миркомил шундай жавоб берди:

- Жужуқларни, насларни кўчириб келармиз, пошо афандим, - деди Миркомил қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб. – Лекин ватанни қандай опкеламиз?... Ватанни кўчириб бўлмайди-ку!... 50-бет.

Миркомил қолиш тўғрисидаги таклифни ешитганда аввалига розилик бергандай бўлди, аммо ватанини ўйлаганида нимадир ичидан чирт узилгандай бўлди. Агар у Истанбулда қолса, мақсадсиз яшаган бўларди. Шунда фақат оиласи учун яшаган бўлиб ватани келажагига қайғуролмасди. Киндик қони тўкилган тупроқ нақадар азиз ва мўтабардир. Миркомил Истанбулга кетганида қалби иккига бўлинарди. Бири ватан соғинчи унинг ишқида ёниш, иккинчиси оила мустаҳкамлигини сақлаш еди.

Миркомил ўлими олдидан намоз ўқишни, оллоҳга ҳамду-сано айтишни истаган еди. Ҳикоя сўнгида намози ҳам қазо бўлади. Ўзбек фарзанди бўла туриб, ўзининг ўзлигини унутган, инсонийликдан асар ҳам қолмаган, русларга ёлланган аскар унинг намози қазо бўлишига сабабчи бўлди. Унинг

охирги илтимосини ҳам бажаришни ҳам хоҳламайди. Ўзи рус бўлган мовий кўз соқчи йигит тутоқиб унга қарата шундай дейди:

- Одамнинг боласимсан, мол?! Ўзингнинг сартинг бўлса, мусулмон бўлсаларинг, охирги илтимосини бажарсанг ўлиб қоласанми, енағар!.. 52-бет.

Шу гапларни ешитгач ўзбек йигити унинг таҳорат олиши учун обдастада сув келтирди. Миркомил олис-олисларга тўйиб қаради ва чуқуркўксини тўлдириб нафас олди. Сўнг чакмонини хандақ ёқасига ўгириб тўшади-да, ортига ўгирилди.

-Менга қара, бола, - деди жуда майин-вазмин оҳангда, - икки ракат бомдодни ўқиб олай. Сўнг қад ростлаб, “Аллоҳу акбар!” дея қўл кўтарганимда оца-отаверсин, тушунтириб айт, хўпми?

Миркомил бу гапни ўзбек йигитига айтган еди. Чунки, ўзини рус йигити отади деб ўйлаганди. Миркомил йерга ўтириб, узоқ ният қилди ва туриб “Аллоҳу акбар” деди. Шу пайт устма – уст отилган ўқ овози бутун субҳи содиқ суқунатида гуриллаб чиқди. Миркомил Маккатиллога қараб, энди намоз учун ният қилиб улгурган еди холос. У аввал суннат, сўнг фарзни адо етиши керак еди. Шу таҳлит Миркомилдек ватанпарвар ва ел-юрт учун хизмати сингган тадбиркор киши умри заволга юз тутди. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад бу ҳикоясида бош образ Миркомил Мўминбойевни жуда катта маҳорат билан юксак даражада тасвирлаб бера олган. Унинг инсоний фазилатлари, юрт тақдирига қайғуриши, ўзигагина хос чўрткесарлиги, ҳар бир гапни мушоҳада қилиши, узоқни кўра билиши ва енг муҳими ўз она тупроғини севиши ҳикояда алоҳида урғу билан кўзга ташланади. Ёзувчи ҳам ана шундай сифатларига диққат билан ёндошиб, ҳикояда жой-жойига қўйиб акс еттириб бера олган. Ҳикояда пейзаж, портрет, портрет детал тасвири учрамайди, лекин ҳикояда воқеалар ривожини устунлик қилади. Миркомил тилидан айтилган нутқ ҳам жуда чиройли тарзида ҳикояда келтирилади. Ҳикоя сўнгида Миркомилни ўз инсонийлик қиёфасини йўқотган ўзбек йигити отиб ўлдирилишида ҳам келтирилган нутқи ҳам жой-жойида ўз

аксини топади. Биз бунда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг сўз танлаш маҳоратига қойил қолмай иложимиз йўқ. Бу ҳикоя 1992-йил ёзилган бўлсада, мустабид тузумини, ундаги еркисизликни, ижтимоий оғир муҳитни тўғри ёритиб берилган. Ёзувчи ҳикояда ортиқча деталлар, бачканаликлар ва фикрий саёзликка йўл қўймаган. Ёзувчининг ҳикоядаги ўзигога хослиги тарихийликни, бадиийликка йўғрилган ҳолда реал ҳаёт билан изчил бўғлай олди. Тўғри тарихда Миркомилбойдек тадбиркор шахс ўтган, аммо унинг қандай ўлим топгани аниқ маълум эмас, ёзувчи ана шу масалага ўзининг юксак маҳорати орқали бадиий тўқимадан унумли фойдалана олди. Енг муҳими ҳикоя жонли, реал тасвирга ега бўлди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг услуби ўзига хос ҳар бир ҳикоясида ўзгача воқеликни акс еттириб, ундаги композицион воситалардан унумли фойдаланган ҳолда ҳикоя мақсади, ёзувчи нима демоқчи эканлигини образлар тилидан ўз маромига йетказиб гапиртира олади. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоялида образларнинг юз қиёфаси тасвисри эмас, балки хареактерлар талқини юқори ўринда туради.

Жим ўтирган одам

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг 2002-йилда ёзилган “Жим ўтирган одам” ҳикояси ҳам ўзига хос йўналишга ега. Бу ҳикояда ёзувчи жим ўтирган одам жамиятдаги енг хавфли одам саналишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, ҳикояда ҳамма нарсани билиб турса ҳам жим ўтирган одам атрофдагилари, бутун жамият учун катта хавф туғдириб, кишилар ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини таъкидламоқчи бўлган. Ҳикоянинг сюжети кенг кўламда бўлмасда, ҳикоядаги ғоя аниқ очиб берилган. Ҳикояни номлашидан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчи анчайин юксак истеъдод егасидир. Ҳикоядаги бош образ Қурбонали жим ўтирган одам сифатида гавдаланган. Адиб Қуирбоналига шундай сифатларни кочиради:

Қирқ йил бир жойнинг тузини татигани, бир тус, бир тоифа нусхалар билан нафас-банафас ишлашнинг касофатими, Қурбонали ўзининг одамовилигини шундан кўради. Авлиёсифат билармонларнинг айтишича, ҳар қандай одамовидаям бир шингил шинавандалик бўлмай

иложи йўқ. Қурбонали феълидаги шинавандалик китмирлик, хатто писмиқликка боваста бўлиб кетганини ҳам яхши билади. 194-бет.

Қурбоналининг ажойиб қилиқлари ҳикояда намоён бўлади. Масалан, уйидан чиққач, рўпарасидан таниш-билиш яқинлашаётганини кўрган заҳоти кўзини чирт юмиб, йўлида давом етаверади. Бетма-бет келган таниш еса ҳайрон саломлашайми-йўқми, дея бир қарорга келгунча Қурбонали бекатга йетиб улгуради.

“Қилиғидан ўзи мутаассир бўлиб мириқиб... ичида кулади. Ҳа бу инсон ичида кулиб, ичида қувониб, ичида хуноб бўлишни, нимаyki бўлмасин, барини ичига ютиш санъатини мукаммал егаллаган” 194-бет.

Ҳикояда Қурбонали фақат ўзини ўйлайдиган худбин, ўзи тинч бўлса бас, унга ортиқча бош оғриғининг кераги йўқ кимса сифатида тасвирланади. У ўзига сув юқтирмайди. Идорада ҳам уйида ҳам кулади-ю сиртига чиқармайди, шундай шодумон ҳолатида ҳам қовоғи солиқ, сипо вазмин ва беозор қиёфасига содиқ қолади. Қурбоналининг бундай ноёб фалсафасининг бир илдизи қаҳрамонимизнинг қиблагоҳига бориб тақалади. Қурбоналининг раҳматли отаси 37 ёшида чойхонада оғзидан чиқиб кетган уч жумла гапи учун 12 йил ўтириб чиққан. Ендиликда қанча еҳтиёткор бўлмасин 51ёшида бўрининг йемасаям оғзи қон қабилида яна 5 йилга ўтириб чиқади. Бу вақтларда мустабид тузум ҳукумронлиги даврлари еди. Енди еса осойишталик, тинчлик замони келди. Илгари Қурбоналини идорада сайроқи, жонкуяр ходим сифатида етироф етишарди. Мажлисларда жуда кўп нутқ сўзлаб, ҳақиқатни айтиб, ҳамкасбларини ишга жиддий ёндошишларини таъкидлаб бўғзидан оларди. Ҳамма ўша пайт ундан ортиқча хафа бўларди. Нима бўлди-ю кейинчалик оғзи мум тишлагандек гапирмай, атрофдагиларига нисбатан лоқайд бўлиб қолди. Балки бунга отасининг ўлими олдидаги ўғитлари сабабдир.

“Буёғини сўрасангиз, ота тушмагурнинг топқирлигини қаранг – икки қиз, бир ўғилни йиғиб емас, уларнинг учовини уй ичкарисидаги бешам-бечирок хужрага битта-битталаб чорлаб, фарзандларининг қулоғига

қуйган: “Худо душманни ҳар банданинг огҳъзига жойлаб қўйибди. У душманнынг оти – тил, забон!... Ёруғ дунёда есон- омон яшаб, ўз ажалинг билан ўлмоқчимисан тилингга тугун солиб юр!” 195-бет.

Ота Қурбоналига ҳам сен ботиргапчидан хавотирдаман дея кўп насихат қилган еди. Қурбонали йиллар ўтиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда жим ўтирадиган одамга айланди. У ҳаммасини билиб туради-ю юзага чиқармайди, ўзининг муносабатини билдиришга пепарво қарайди, менга нима қабилида иш юритади. Қўшниси Илёсвойнинг онасига арвоҳ хотира қилиб, ён атроф кўни-қўшниларни чақирган пайтида ҳам йиғинда жим ўтирди. Ўша йиғин унинг ҳаётида ўзгариш бўлишига сабабчи бўлди. Шу воқеадан сўнг нотаниш кимса билан автобус бекатидан тушиб ишхонагача бўлган бир неча қадамни ҳамроҳликда беш кун босиб ўтди. Аввалига унга ҳам беписанд қаради, кейинчалик улар қизиқ суҳбатлар қуриб яқинлашиб кетишти. Бир куни нотаниш кимса унга “жим ўтирган одам” хавфли қабилида маломат ёғдирди. Ҳикоядаги йиғинда икки мўйсафид ўртасида қаттиқ гапдан гап чиқиб тортишув бўлиб қолганди. Нотаниш кимса бу вазиятда улар муштлашиб кетиши мумкин еди, сиз уларга жим қараб ўтирдингиз деган аччиқ гаплар билан чақиб олганди. Биргина мана шундай ҳолатда жим ўтирган одам келажакда жамият учун катта бўлган муаммоларда ҳам жим ўтиришини ёзувчи кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Ҳикоя Қурбоналининг ногиронлар аравачасига михланиб қолишга олиб келади. Буюк файласуфлардан бири дунёда енг хавфли одам – кўрқоқ одамдир деган еди. Ҳикояни ёзувчи тугундан бошлаб, сўнгга конфликтга ўтади. Ҳикоядаги Қурбонали бош образ ҳисобланиб, бошқа эпизодик образлар шунинг атрофида бирлашиб яхлит сюжет ҳосил қилади. Ёзувчи Қурбоналига характеристика беришда илгари бунақа иллатлари йўқ бўлганини бунга болалигидаги ботиргапчилиги ва ишхонадаги “мармар зина” воқеаси орқали келтириб ўтади. Зеро, ҳар бир одам ёшлигидан зарарли одатлар билан туғилмайди, балки уни тарбия жароёнида ёки ижтимоий муҳитдан олади. Қаҳрамонимизда ҳам шундай ҳолат бўлиб, бу

нуқсонларни ишдаги фаолиятдан олади. Илгари у ишга келган вақтларда мажлисларда ҳамма олдида ўзидан катта амалдагиларни ҳам тортинмай очиқчасига даки бериб вазхонлик қиларди. Бир гал Қурбонали салгина чегарадан чиқиб кетганида йиғилишда ҳамкасблари бири олиб, бири қўйиб роса изза қилишди, хатто у билан бир ойлаб сўрашмай юрадиганлар ҳам топилди. Шу емасми кейинчалик унинг лоқайд, индамас бўлиб қолишига сабаб. Нима бўлганда ҳам ёзувчи Қурбонали образини жуда катта ижодкорлик билан тасвирлай олган. Қурбоналининг ҳам нияти бор еди, у яхши ишлаб, сўнгра қарилик пенсиясига чиқиш еди. У нотаниш кимсанинг маломатини кўтара олмай, неча кун унга жавоб қайтариш учун мижжа қоқмай ўйлаб чиқди ва охир оқибат ўзини оқлайдиган жавоб топганда Нотаниш кимсанинг қораси ҳам кўринмади. Неча кун уни илҳақ кутди ва йўлидан кўз узмай қидирди. Аммо у бўлмагандек йўқ, хатто унинг исмини, манзилини, ўйлаб қараса кўзайнак остидаги кўзларига ҳам боқмаган экан. Нотаниш кимсанинг охирги гапи ва унинг ниҳоятда совуқ қарашига дош беролмагани Қурбоналининг ёдида бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Ҳикоя фожеали тугасада ундаги мақсад ёзувчи тамонидан юксак ғоялар орқали ёритиб берилган. Ҳикоя лоқайд кимсанинг нима аҳволга тушиб қолганини тўлиқ ўзида намоён эта олган.

II БОБ. ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос мифологик руҳдаги “Жажман” ҳикояси 1989-йилда ёзилган. Ҳикояда бош образни Жажман махлуқча ташкил этади. Ёзувчи жаҷаман махлуқчани тасвирлаб бериш орқали нафсининг чиркин иллат эканлигини ошкора очиб беришни ният қилган. Ҳикояда ўз нафсининг қули бўлиб қолган кичкина махлуқ жажманнинг хатт-ҳаракатлари ва унинг портрет детал тасвири берилади. Ёзувчининг бошқа ҳикояларидан фарқли ўлароқ Жажман ҳикояси бозорда содир бўлади. Ёзувчи бу махлуқчани ҳикояга киритишда унинг қайердан пайдо бўлгани ҳақида тафсилотлар бериб ўтирмай, аксинча унинг қандай махлуқ эканига еътиборни қаратади. Тўғри, бу махлуқ бозор расталарида пайдо бўлган заҳоти тимдагилар ўртасида шов-шувга сабаб бўлади ва уни кўргач бу жажи махлуқчага қизиқиб қолишади. Шу ўринда ёзувчининг маҳорати жажманни тасвирлашда намоён бўлади. Китобхон бевосита унинг қиёфаси тасвирини ўқиётгач, ҳикоядан бош узолмай қолади. Мени ҳикояни таҳлил қилишга жалб етган нарса унга қўйилган сарловҳадир. Ёзувчи бун омни қўйиб ўзининг серқирра ижодкор эканлигини кўрсатади. Жажман деганномни ешитганда бевосита ҳикояни ўқишга қизиқиш ортиб, бу ном ҳақида чуқур мушоҳадага толади. Ҳикоя митти очофат ҳақида кетаётганини кўриб охири нима билан тугар экан дейди. Жажман ўзининг ғаройиблиги билан сотувчилар орасида нафақат сотувчилар, балки харидорлар ўртасида ҳам хангоматалаб бўлиб кетади. Бундай махлуққа биринчи бор дуч келган Зардушт бобо ҳангу-манг бўлиб уни кузтишда давом етди. Ҳикояда бобо ҳеч қандай ҳаракат бажармади, у фақат Аҳурамаздага илтижо қилиб турди. Ҳикоя Зардуштийлик динидаги Яхшилик илоҳи Аҳурамазда ва ёвузлик илоҳи Аҳриман курашини тасвирлаб берган. Жажман соф мифологик руҳ уфуриб турган фантастик йўналишда ёзилган ҳикоя ҳисобланади. Унда яхшилик ва ёмонлик, езгулик ва ёвузлик, меҳрибонлик ва ношукрлик талқин етилади, ҳамда қаноат улуғланади, нафс еса қораланади. Нафс қандай

оқибатларга олиб келишини, хатто инсон бўлсада уни йўлдан оздириши мумкинлигини кўрсатиб бермоқчи бўлган. Жажман махлуқи рамзий характерга ега бўлиб, нафснинг соф кўриниши десак муболаға бўлмайди. Нафсибадлик қадимда ҳам Одам ато ва Момо ҳаво ярлибдики қораланиб келинади. Жажманга ўхшаш ўз нафсига тобе бўлган махлуқ образи ҳам, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги бешинчи дoston “Садди Искандарий” (Искандар девори) да ҳам учратамиз. Бунда Навоий махлуқни яжуж-мажужлар деб атайти. Улар ҳам очофат бўлсада, бўйи икки кулоч бахайбат, қиёфаси жуда хунук тарзида тасвирланади. Улар ўз нафси йўлида бутун-бутун шаҳарларни талаб, вайрон қилиб йўлида бор нарсани йеб кетишаверади.

Жажман ҳам бошида бориға қаноат қилиб, сўнг кўп нарсани йеб ўғирлаб кета бошлайти. Жажман образини махлуқ қиёфасидаги нафсига кул бўлган инсон сифатида ҳам талқин етиш мумкин. Чунки нафс инсоннинг маънавий қиёфасига таъсир қилибгина қолмай, унинг онгу-шуурини егаллаб олади. Нафснинг қудрати чексизки, у бошқа ёмон иллатларнинг юзаға келишиға замин ҳозирлайти. Инсон бундай йўлга кириб қолганини сезган заҳоти, бу йўлдан чиқишға урунмоғи даркор. Зеро, бу йўлнинг охирги нуқтаси қора зулмат, тубсиз жарлик ва чиқиб бўлмас берк ешиқдир.

Ҳикоя нафсни мана шундай хулоса чиқаришимизға ҳалақит бермайти, балки нафс ҳақидаги тасаввурларимизға янада кучлироқ таъсир қилади. Нафсни тия билиш руҳиятимизни пок сақлашға ёрдам беради. Ҳикояда кўрамизки, нафснинг сўнгги босқичи жажманнинг ўлимиға олиб келади. Шундай махлуққа меҳр қўйган оломоннинг нафратига дучор бўлади. Бу махлуққа меҳри товланиб бир сиқимдан йегулик бериб турган оломонға, жажман ношукрлик қилиб жавоб қайтариб, уларнинг қаҳр-ғазабига маҳкум бўлади. Ҳикоядаги жажман образи бошқа эпизодик образларни ўз атрофида бирлаштиради. Бу жажман махлуқчаға ёзувчи ҳар бир кишининг муносабатини келтиришға ҳаракат қилган. Жажман бозордагиларнинг меҳр-шафқатини бир зумда қозонади-ю, лекин бу унг икки ҳисса бўлиб

душманлик олиб келади. Жажман каби махлуқчалар бугунги кунимизда йўқ бўлсада, аммо шунга ўхшаш, рухий ва маънавий олами шунга монанд кимсалар ҳаётда топилади. Дунёда озини ўйлайдиган худбин, дарду-хаёли кўп бойлик тўплашда бўлган, дунё молига ега чиқишни истаган мунофиқ кимсалар йўқ емас. Бундай нафсига мағлуб кишилар ўзларининг маънавий қиёфасини унутиб, ўзлигидан маҳрум бўлиб тубанлашиш даражасигача бориб йетадилар. Ҳикояда нафсга Зардуштийлик нуктаи-назаридан ёндашилган бўлсада, ислом динида ҳам нафс тушунчасига катта аҳамият қаратилади. Ҳикояда нафсга қарши оломон ғалаён кўтаради ва жажманни ўлдиришга мувофақ бўлади. Ҳикояда Аҳурамазда ва Аҳриман курашларининг тасвирланишида ёзувчи юксак бир ғояни илгари суради. Бу ғоя дунёда яхшилик ва ёмонлик доимо муросасиз кураш олиб боришидир. Шундай экан, олам мувозанатини ана шу икки куч тутиб туришини таъкидламоқчи бўлган. Инсон мана шу кучлар натижасида ҳаётнинг моҳиятини, унинг маъно қийматини англаб йетади ва тинч-фаровон, мазмунли яшашга ҳаракат қилади. Агар дунёда ёвузлик бўлмаганда еди, инсон яхшиликнинг қадрига йетмас, уни фарқламас еди, ҳаёти зерикали ва мазмунсиз ўтарди. Енг олий қадрият инсон экан, дунёдаги ҳамма езгуликлар, гўзал сифатлар фақатгина инсонга муносибдир. Нафс еса ёмон иллат бундан мустаснодир. Жажманда нафсдан бўлак яхши сифатни кўриб бўлмайди. Ёзувчи ҳам нафснинг шундай зарарли иллат эканини жуда таъсирли тарзида очиб беролган. Инсонда доимо яхши сифатлар билан ёмон сифатлар ўртасида қарама-қаршилиқлар, зиддиятларкурашиб туради. Шунда инсон қалбига кулоқ солиб тўғри деб билган йўлидан боради. Инсон тўғри йўлни англаб олишида ҳам, ўзида бир қанча ижобий сифатлар бўлиши керак. Масалан, ақлу-фаросат, зийраклик, кенг дунёқарш соҳиби бўлиши зарур. Шундагина тўғри йўлни фарқлай олади ва ундан мақсад сари оғишмай ҳаракат қилади. Зеро, олдимиздаги тўсиқларга бардош бериб, сабр-тоқат, қаноат орқали ўзимизни йўқотмай ўтиб олишимиз зарур. Қийинчиликлар инсон иродасини тоблайди ва кучига куч қўшади. Шу ўринда нафсни йенгиш қуроли ҳам

юқорида келтирилган сифатлар еканини англамоғимиз зарурдир. Мен ёзувчининг ижодкорлик маҳоратини персанажлар тилидан келтирилган нутқида кўрдим. Хуршид Дўстмуҳаммад сотувчиларнинг ҳар бирига алоҳида нутқ сўзлатиб унинг қандай ҳарактер соҳиби эканлигини ҳам кўрсатмоқчи бўлган. Масалан:

- Кўп обдеме? – сўради улардан бири шанғиллаб. 136-бет

Бу шевага хос сўзнинг ишлатиш орқали ёзувчи келиб чиқиши ҳар хил сотувчилар бозорда борлигини кўрсатган. Табиийки бозорда сотувчилар бир хил емас ва бир хил гапиришмайди. Бу гапни келтириб ёзувчи ҳол сўраган одамни жонкуяр, тимдагилар бир-бир билан ўзаро яқин бўлиб кетишини назарда тутган.

Ҳикоядаги яна бир бош образ Зардушт бобо еса намозхон, адолатпеша, узоқни кўрувчи киши сифатида гавдаланади. Зардушт бобо бозордагилар кўрмаган икки кучнинг урушини кўра олади, кўнгли бир нохушликни сезади. Катта баҳайбат ҳовучни ҳам илгари тушида аён бўлганини сезади. Енди ҳикояга келадиган бўлсак, зўр юксак ижодкорлик орқали тасвирланади.

Ҳикоя қуйидаги фразеологик ибора билан бошланади:

- Ёмоннинг кучи ман яполоққа йетибди-да!.. Ҳ-аҳ сағирри ҳаққи урсин-а! 136-бет

Тонг саҳарги бу аламли қарғишдан тим ичидагиларни уйғотишга ва оёққа турушга мажбур етади. раста устида, остида, қоп-қанорга ёнбошлаб омонат ухлаб ётган кексаю ёш туршакфуруш, ёнғоқ фуруш, майизфуруш, пистафуруш ва ҳақозо фурушлар уйқули кўзи билан апил-тапил ёверини пайпаслай кетди, кўнгли жойига тушганлар бирин-сирин оҳ чекаётган жувон ёнига тўпланишди. Улар аёлга ёрдам тариқасида ўзларининг маҳсулотларидан бир ҳовучдан бериб кетишди ҳамки, жойларига келиб улгурмасларидан бошқа ўғирлик содир бўлди.

Зардушт бобо растаси ёнига тўшалган кўрпачага обдон жойлашиб чўк тушаётиб, бир нарсадан хавотирлангандек: **“Ўзинг мададкорсан,**

Ахурамазда...” деди шивирлаб, шивирлагани замон соч-соқолидан, куюк қошларидан нур таралди – ён-атрофида бир зум фонус ўчиб ёнгандек бўлди... 137-бет

Бобонинг бу қиёфасида юзи нурга тўла авлиёсифат нуроний еканлиги ва у Ахурамазданинг тарфдори еканлигидан далоат беради. Зардушт бобо бир ғайритабиийлик борки, ҳеч ким кўролмаган икки кучни ва катта ҳовучни кўради. У воқеаларни жимлик билан кузатади ва ягона яхши илоҳ Ахурамаздага тинимсиз сажда қилиб туради. Зардушт бобо тимдаги енг ёши улуғ ва кўпни кўрган қария сифатида тимдагилар томонидан улуғланади. У воқеаларда иштирок етмасада, ҳамма нарсани олдиндан билиб турган ҳолда, сюжет хотимасини кузатади.

Тўсатдан бир еркак кишининг дўриллаб бақирагани бозордагиларни ҳушёр тортишга ундайди.

Елликни уриб қўйган, бўрдоқига боқилган қўйдек бикқа семиз туршакфуруш алпанг-жалпанглаб емаклаганича қават-қават тўшалган кўрпачаларни итқитар, нуқул “Йўқ!.. Йўқ!.. Шилиб кетибди!” дер, кекин йўқотганини топишдан умидвор шекилли, қалт-қалт титраётган қўллари билан кўрпачаларни қайта-қайта ағдар-тўнтар қилишдан тинмас еди. 138-бет

Ёзувчи туршакфуруш қиёфасини шундай бўрдоқига боқилган қўйдек бикқа семиз иборасини қўллаб унинг семизлик даражасини қўйга ўхшатиши бевосита тасаввуримизда унинг жонли сиймосини келтиришимизга сабаб бўлолади. Ёзувчи ҳар бир сотувчига ўзига хос сифат беради. Масалан, Сўзамол ёнғоқфурушнинг хатти-ҳаракатидан маълум бўладики, у сўзга чечан, ҳаммани ўзига қаратишни яхши кўрадиган, чўрткесар, дангалчи одам образини ифода ета олган. Унинг бу ҳаракатлари ҳикояда бошдан-охиригача қатнашишида, ҳамда оломонга қарата мантиқли нутқ сўзлашишида намоён бўлади. Гўёки, оломон унинг гапи билан юрадигандек, раста устига чиқиб чиройли нутқ сўзлайди. Ҳикояда унинг отаси кекса ёнғоқфуруш ҳам иштирок етади.

Сўзамол ёнғокфуруш кунора содир бўлиб турган ўғирликка куйиб-пишиб шундай муносабат билдиради:

- Кеча икки шўринг қургур пулини ўғирлатди, - деди Сўзамол йигит, - илгариги куни куппа-кундузи бир халта хандон пистани олдирдик, кеча – пул, мана, бугун яна... ия, муттаҳамлик ҳам еви минан-да! “Вей, яхшилар, кўзни очайлик!” дейдиган бирон забонлик мард йўғ-а! 138-бет Юқоридаги мисолдан ҳам кўриниб турибдики, у тимдагиларни кескин қарор чиқаришга бошламоқда. Ҳар куни содир бўлаётган ўғирликка беписанд қараб бўлмайди деган таклифни назарда тутмоқда еди.

Зардушт бобо ҳар куни тонг ёришмай саҳар мардонда туриб намоз учун ғира-ширада таҳорат олгани чиқиб расталар орасида шарпа ғимирлаганини сезади. У биринчи бўлиб махлуқчани кўради ва ҳайратидан шундай дейди:

- Ёпирай! – деб юборди шошганидан, у турган жойидан қотиб қолди, иродасини жамлашга уриниб кўзини пирпиратди – бўлмади. – Ўзинг мадад бер, Аҳурамазда!.. – деди пичирлаб. – Не жондорга рўпара қияпсан, Аҳурамазда?! 139-бет

Бобо бўйи-басти бир қарич чиқмайдиган ажабтовур бу махлуқни кўриб, худди ирkit нарсага кўзи тушиб нигоҳи булғангандай бирдан сесканди ва кўнгли бир хатарни сизди. Нафаси бўғзига тикилиб, овози чиқмай қолди.

- Жажман!.. Тимга Жажман оралади, яхшилар! – дея олди базўр. 139-бет

Бобонинг бу гапини ҳеч ким ешитмади. Жажман деган номни ҳам биринчи бобо қўйганди. Бобо уни яқиндан қиёфасини кўришга муяссар бўлди.

Бобо шундагина бу ғаройиб жондорнинг башарасини аниқ-тиниқ кўрди – махлуқнинг кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб тинимсиз товланар еди... “Олмахон-ку!” деб юборди ичида боб ова шу заҳоти бошини чайқаб: “Тулки минан сичқондан тарқаган кўринади”, деган ҳаёлга борди, бирпас жим қолгач еса, “Қорни кенгруники...- деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб: “Ё, одамдан

тарқаганмикан?!” деб ўйлади ва беихтиёр шак келтириб қўйгандек шошиб ёқасига туплади. 140-бет

Ёзувчи махлуқни ҳам антиқа тасвирлаш орқали китобхонни ҳикояга жалб етмоқда. Шундай экан, махлуқнинг тасвирини ўқиб, сизда ҳам бу қандай махлуқекан деган савол пайдо бўлади. Унинг кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб товланиб туришида ҳам қандайдир сирлилик мавжуддир. Балки мана шу қиёфаси учунми, ёки ажайиб қилиқлари учунми тимдагилар бу кичик ўғрига бошқача меҳр қўйишди. Унинг қилган ўғриликлари ҳам унутилиб, махлуқнинг қилиқлари, тинмай кавшаниши ва қопчиғига писта, мағизларни солишини кўриб оломон аҳли учун ермак топилганидан маъмнун бўлишганди. Хуллас тимдагилар унга гоҳ ачиниш, гоҳ кулгу назари билан қараб уни кузатишди. Жажманеса жуда чаққон, ниҳоятда илдам ҳаракат билан қанорлар устидан тушар ва бирпаста ғойиб бўлиб қоларди. Одамлар унинг қачон кетиб улгурганини билмай, шу тамонга хиёл вақт қараб қолишарди. Улар ўғрини оддий ўғри емас, балки жажи махлуқ эканини билгач, унга қизиқишлари таборо ортиб миш-мишларнинг болалаб кетишига қўйиб беришди.

Ваҳоланки, озиқ-овқат растасида ҳам шундай махлуқ пайдо бўлганмиш деган гаплар тарқади. Харидорлар ҳам ўз фикрини билдира бошлашди. Шундай пайтда еса, бу ёқда туршакфуруш тепасидаги можаро давом етарди.

- Манаши сичқонбашара билан келишайлик. Йеганича йесин, ангишвонадай қорнига дунёни ютвормас!.. Тўғри, киссага тушгани яхшимас.

Кўса майизфурушнинг езмаланишидан Сўзамол ёнғоқфуруш тутакди:

- Сизминан биз “яхши-яхшимас” деб ўйимизга йетгунча Жажман тимни емас, бозорни йеб битиради! – деди у жеркиб. Сўнг сал ҳовуридан тушиб овозини пасайтирди: - Тўғри, илгари кўзимизга кўринмаган, у бир сиқим-икки сиқим майиз-туршак йегани билан камайиб қолмасдик, “йеса-йебди-да”, дедик. Индамадик. Кейин, сезиб-сезмай еркатоимизга айлантирдик... 142-бет

Сўзамол ёнғоқфуруш тўғри айтган еди. Лекин, кишилар махлуқ кўринди дегунча “Ма, Жажман, ма!” деб унга майиз, писта, ёнғоқ ташлайдиганлари чиқиб қолди. Жажман еса берилган нарсаларни хаш-паш дегунча йеб битирар ва “хайр-садақа”ни унутиб қолганларини халтасига солиб жўнаб қоларди. Жажман туршакни қарсиллатиб чақар, гоҳ данаги билан ютиб юборар, сўнг чапиллатиб чайнар еди. Унинг зиғирдек кўли, бармоқлари, зиғирдек тумшуг;ию, сичқонникидек оғзига, моғор тусидаги митти кўзларига қараб... бозорчилар кулгани-кулган, бора-бора унинг йебтўймаслигидан, очофатлигидан юмалаб-юмалаб кулиб вақтичоғлик қиладиганлар топилди. ”Уни мен тўйдираман! Йўқ қорни ёрилиб кетгунча мае боқаман уни! Деб бахс бойлайдиганлар чиқди.

Бир гал хатто, Сўзамол ёнғоқфурушнинг бобоси Бобо ёнғоқфуруш Жажманни “йўқол-е!” деб қувиб солди. Жажман пинагини бузмади, аввал йеб, сўнг қопчиғига қолганни солиб илдам жўнаб қолди. Шу-шу алламаҳалгача қорасини кўрсатмади.

Чекка-чеккадан:”Ермак еди, мана, тим хувиллаб қолди” деб таъна қилишди. “Тўртта ёнғоқни кўзингиз қиймаса, ўзимиз боқардик”, дея маълومات ёғдиришди Бобо ёнғоқфурушга. Бобо қувиб солганинга минг пушаймон йесада, сир бой бермай юрди. 143-бет

Зардушт бобо буларни бевосита кузатар екан, хотираси уни болалик йилларига олиб кетди. Болалигида Оташ момоси қучоғида чўпчак ешитиб ётарди. Момосига савол ёғдирар, ухлагани қўймас еди. Бир сафар момоси ёнида қаттиқ ухлаб туш кўрди. Тушида юртимизга танда қўйган девлар ўзининг баҳайбат ҳовучида момосини олиб кетмоқда еди. Зардушт бобо гўдак юраги ёрилай деб, шу пайт қандайдир куч топиб, мовий кўзли девнинг чинор танасидек йўғон билагига ёпишди – тирмашиб-тирмашиб ҳовучга йетай деганда ҳовуч ёқасида бошини чангаллаб турган момоси унинг кўксидан итариб юборди. Бола яна ҳаракат қилганда, дев ва момоси ғойиб бўлган еди. Ўзига келиб уйғонганда момоси қайтиб уйғонмади.

Зардуш бобо бу митти махлуқчада қандайдир сир-синоат борлигини ҳис етарди. Бир куни махлуқнинг қопчиғидаги нарсаларини девор ортидаги катта ҳовучга тўкаётганини кўрди ва тухсидаги аён бўлаётган келажак эканини англади. Авваллари бобо девор орқасида гурс-гурс етган товушларни ешитган еди.

Енди бўлса бу кимнинг қадам товуши эканини тушуниб йетди.

Жажманнинг нафси ҳақкалак отгани йетмагандай тимдагиларни очик-ойдин калака қиладиган одат чиқарди. Соқоли кўксига тушган чолларнинг йелкасига чиқиб олар, уларнинг қулоғидан, мўйлабидан тортқилар, ухлаётганларни қитиқлаб қочар, хириллаб-хириглаб ғалати овоз чиқарар, унинг нима, қандай махлуқ эканини ҳануз ҳеч зот билмас, билиш ҳақида бош ҳам қотирмас еди. 145-бет

жажман анча ҳадидан ошган, у илгари ўғирликни писта, мағизлардан бошлаган бўлса, енди пул хатто қўлига иллингган нарсани олиб қочадиган бўлди. Борган сари очофатлиги тутиб, сотувчиларга зиён келтира бошлади. Оломон безор бўлиб ғазабга минди, ортиқ чидаб бўлмаслигини ҳис етишди. Сўзамол ёнғоқфуруш раста устига чиқиб жажманга ҳукум белгилаади, уни тутиб ўлдириш. Бу гапни тимдагиларнинг ҳаммаси маъқуллади. Жажманнинг пайига тушишди. Одамлар бирлари раста тагига қопқон қўйишса, бирлари девор тешикларига тўр сетка қўйишди. Жажман еса ҳар доимгидек илдам ва сергак улардан осон сирғалиб чиқиб кетарди. Жажман хавфни англаб, қоп устига чиқса битта нарса йеса ўнта томонга аланглаб қараб оларди, илгарги бемололлик йўқ еди. Ҳамма уни тузоққа тутиш дардида юрарди.

Зардушт бобонинг назарида Жажманнинг мавжудлиги қуну-туннинг алмашинишидек муқаррар еди. У фақат бир нарсдан ташвишда, “Жажман ёлғизми ё унинг уруғи кўпмикан?.. Ёҳуд, ҳамма ёқни жажман босиб кеца қандоқ қилади, одамлар?” деган ўйининг охирига йетолмасди. 148-бет

Жажманни тутганга мукофот ҳам вада қилинди. Илгари “йўқол-е” деган гапни айтиб маълوماتга қолган Бобо ёнғоқфуруш енди қаддини тик тутиб

юрибди. Жажманни тутиш анча мушкул бўлиб қолди. Бир гал қадок тош отилганда махлуқнинг бошини силаб ўтганда ҳам у омон қолди. Шу вазиятда кимнингдир: “Ушладим!” деб қичқириши оломонни шу томонга боришга мажбур етди. Жажманни челақда тутишганди ва бир зумда тамошоталаб ва касос олувчилар тўпланишди. Одамлар жажманни давра қилиб ўраб олишди ва челақдан чиқаришди. Жажман челақдан чиқарган кишининг қўлини тишлади. Шу онда у оломондан чиқиб кетиш учун қўлига қадок тош, ғишт, сўйил кўтарган одамлардан биттасининг йелкасига сакраб чиқиб олди. Шу пайт оломон уни яна давра ичига олиб қадамлари билан тепди. Кимдир тош билан яна бири сўйил билан уриб чалажон қилишди.

Шу тобда Зардушт бобо девор ортида иккита куч – Ахурамазда ва Аҳриман курашини кўриб турарди. Уч бошли Аҳриман Ахурамаздага чанг соларди. Ахурамазда оғзини ғордек очган Аҳриманга олов пуркарди. Шунда Аҳриман шифтга ёпишиб оғзидан бир, икки, уч...яна, яна, яна Жажманлар дикирлаб кела бошлади. Ахурамазда олов пуркади, жажманлар куймади. Ахурамзда ўт-оловга дош берадиган жондорни биринчи бор кўриши- Жажманлар худди алангаи-оташда яйраб-яйраб ҳузур қилаётгандек ирғишлар, бу йетмагандай Ахурамазданинг йелкасига, бошига тушиб чиқарди. Аҳриман еса оламини бузиб хоҳоларди. Ёзувчи бу тасвирни ҳикояга киритишдан мақсад ёвузлик ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаслигини ва аксинч бирининг ўрнига бири юзага келишини таъкидламоқчи бўлган. Бу худди бир одам дунёдан ўца, бошқа жойда бир одам туғилгандек аниқ нарса сифатида намоён бўлган.

Бу икки ходиса: девор ортида ва расталар ўртасида содир бўлмоқда еди. Шу пайтда **Сўзамол ёнғоқфуруш Жажманнинг калта думини тутиб, чалажон танани боши узра кўтарди.**

- **Ху-у, тўнғиз қўшгур! – дебюборди кимдир.**
- **Ўлгани рост бўлсин-а! – деди яна биров севиниб.**
- **Бир томчи қони чиқмади-я, тавба-а!..**
- **Худо адашиб яратиб қўйган бу баччағарди, қон-хайф унга!..154-бет**

Оломоннинг шу таҳлит сўзлари жажмандан қутилганидан севинганини кўрсатади. Кимдир йиғлар йебтўймасдан қутилганлар, ўпишиб, қучоқлашиб табриклашарди.

Ёнғоқфуруш йигит махлуқнинг жасадини кўтариб турганича тимдошларига қарата яна сўз айтди:

-Ёмоннинг куни битди, биродарлар!.. Жажманнинг қопчиғидан қолган-қутган майиз, писта қолдиқлари тўкилди. Оломон уни кўриб қулиб юборди, бироқ, ш пайт...Жажман тилга кирди:

- Ло... кила!.. Локил...ла!.. 154-бет

Жажман жон бераётиб айтган бир оғиз сўз ҳавода таралиб турди. Одамлар хайратга тушишди. Ҳамма Зардушт бобо деб юборди. Су онда боор ортидаги деорда издиҳом ўпирилиб тушиб, чанг-тўзон бўлиб кетди. Одамлар йиғилиб ўзларини бурчакга олишди. Оломон кўзлари ола-кула бўлиб тим адоғига анграйиб қараб қолишди...

Шу кўзлар, шу нигоҳлар ўнгида тўзон босилди, босилди ва деворнинг тепасида ўранинг оғзидек қора туйнук кўринди. Ана шу қора туйнукдан бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўринди...ҳовучлар ичкарига суқилиб кирди-ю, улардан ҳозиргина базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек ўхшаш бошқа бир Жажман сакраб йерга тушди, фақат у олдингисидан хийла дуркунроқ – бўйи икки қарич еди...155-бет

ҳикоя сўнгида жажман, яъни нафснинг мағлуб бўлиши ва унинг ўрнида инсониятга хавф соладиган янада катта кучлар борлигига ёзувчи шама қилгандек бўлади. Дарҳақиқат бир ёвуз куч кеца, ўрнига бошқаси ўтиради. Ёзувчи ҳикояда бир томон иллатнинг инсоният бошига қандай кулфат солишини кўрсатиб беролган. Ҳикоя ертақдай ўқилсада. Унинг замирида каттамаъно яширинган. Зеро, ундан хулоса чиқариш ҳар бир тафаккур доираси кенг китобхонга ҳаволадир. Шундай экан, ёзувчи ва адабиётшунос танқидчилар ҳар бир асарга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадилар. Мен ҳикояга баҳо берар эканман, ёзувчининг ижодкорлиги, билим савияси ва маҳоратига тан бермай иложим йўқ. Хуршид дўстмуҳаммаднинг сўз

танлаш маҳорати, уни жойига қўйиб ишлата олиши, сода, жўн фразеологик иборалар орқали тасвирлаб бериши бевосита китобхон мухлиснинг назаридан четда қолмайди, балки шу ҳолатни кўз олдига келтирилишига нёрдам беради. Ҳикояда жажманга берилган ўхшартиш, семиз туршакфурушнинг, қолаверса Зардушт бобо сиймосидаги ўхшатишлар жуда жонли чиққан. Зардушт бободаги ўхшатиш унда қандайдир каромат борлигига ишора бўлсада, одамларнинг Зардушт бободан оқ фотиҳа ва маслаҳат сўрашида ҳам қандайдир сирлилик бор. Бобо воқеалар силсиласида жажманнинг асли қандай махлуқ эканига биргина қизиқадиган образ ҳисобланади.

Ҳамма жажман билан андармон бўлганида бу махлуқнинг келтирадиган кулфатлари ҳақида мушоҳада қилган ҳам Зардушт бобо еди. Ёзувчи Зардушт бобонинг Сирини ҳикоя сўнгида ҳам очмайди, буни қандай хулосалаш китобхонга тшланади. Лекин, шу ўринда айтиш жоизки, жажман Аҳриман тамонидан бошқарилиши ҳикоя сўнгида маълум бўлади. Ёзувчи ҳикояни ўзига хос услубда ёзган. Унда катта муболағаларга йўл қўйилмаган, бироз мифологик руҳ устунлик қилган. Ёзувчи композицион унсурлар: экспозиция, конфликт, тугун, воқеалар ривож, кульминация, йечимни кетма-кетликда тўғри фойдалана олган.

Ёзувчи ўзининг нафс ҳақидаги тасаввурларини жажман тимсолида жонлантира олган. Ҳар доим ҳам жўн образлар орқали айтилган нарсадан кўра тимсоллар орқали айтилган ғоя ёки мақсад аниқ-равон, таъсирли инсон қалбига кириб боради. Шунинг учун ҳам, болаларга ертақлар тафаккурини ривожлантириш мақсадида ҳайвонлар тимсолида берилади. Бунда мажозийлик бўлиб, инсонга хос сифатлар ҳақида ғоя ифодаланади. Бу билан мен ҳикояни ертаси демоқчи емасман, балки катта ёшдагилар ўқийдиган рамзий ҳикоя дейман. Ҳикоядаги устувор тамони шундаки, нафснинг жажман махлуқига қиёсланишидир. Агар биз Аҳриманни шайтон деб оладиган бўлсак, у кишилар қалбига нафсни жойлашга ҳаракат қилади. Аҳурамазда яхшилик худоси сифатида нафсга қарши курашувчу қудратли

куч сифатида намоён бўлади. Жажман Аҳриман томомда бўлса, Зардушт бобо Ахурамазда томонидадир. Шуни унутмаслик керакки дунё яралибдики бу кучлар ҳали-ҳануз курашиб келмоқда, башарти бу инсонга кўринмайди. Мана шу кучларни рамзий кўринадиган киёфада тасвирлаш еса фақат маҳоратли ёзувчидан кутилади. Жажман ҳаёлат маҳсули бўлиб қолмай, у инсон қалбида тажаввузкор нафс кўринишида яшайди. Унинг моддий оламга чиқиши инсоннинг нафс тузоғига илинишидан бошланади. Нафс инсонни йўлдан адаштиради, кишилар ўртасидаги муносабатларни бузади, езгу мақсадларни пучга чиқаради ва кишига “мен ҳақман” деган туйғуни юзага чиқишига олиб келади. Ҳамма нарсада нафс бўлади, фақат уни меъёردа тутиб туришни билмоғимиз даркор. Нафсни дунё давлатлари миқёсида оладиган бўлсак, бизни давлат дунёга устун деган даъвони мисол қилишимиз мумкин. Улар ўз нафслари оқибатида қолганларни янчиб, йўқ қилиб кетади. Нафс шундай ёмон кўринишга ега. Ёзувчи еса мана шу жажман махлуқи орқали нафснинг моддий ҳаётга, жамиятга балки дунёга хавф солувчи куч сифатида тасвирлаб беролган. Ёзувчининг истеъдоди шунда кўринадикки, у ҳамма асарларига янгилик киритади, уни долзарб ғоялар билан суғоради.

Хуршид Дўстмуҳаммад еса мана шундайлар сирасига кирадига бугунги куннинг ёзувчисидир. Унинг истеъдоди ҳар бир яратилаётган асарларида чархланмоқда.

Нусхакашнинг меросхўри

Бу ҳикояда ёзувчи ота касбини фарзандлардан кимдир мерос қилиб олиши кераклигини таъкидламоқчи. Ҳикоя Одил рассомнинг Нуриддин исмли ўғли ҳақида кетади. Нуриддин йетти ўғил-қизнинг ичида енг кенжа фарзанд ҳисобланади. Ҳикоя Одил рассомнинг ўзига хос ҳарактеристикаси билан бошланади

Одил рассом ўлгудай тажанг одам еди. Гоҳо қизлар, ўғиллари устахонага чиқиб, атрофида айланишаверишса бирдан тутациб кетар, “Қани, марш-ш!” деб қаторасига қувиб соларди. Оталарининг авзои бузилганидан

ўтакаси ёрилган ака-укалару, опа-сингиллар диққинафас катак ешигидан отилишиб-қувалашиб чиқаётган хўрозу товуклардек... 180-бет

Юқорида келтирилган фарзандларнинг ҳолати отасидан ҳайиқиб туришини кўрсатади. Одил рассом фарзандларига меҳрини кўрсатмайдиган одам сифатида тасвирланади.

Одил рассом кўрс, жиддий, болаларига ширин муомала қилишни билмасди. Фарзандларини еркалаб- суйиб, улар билан ота сифатида дилдан суҳбат курмасди. Лекин, уларни ичида яхши кўрсада, буни сиртида намоён қилмайди. Унинг характери оғир, ичимдагини топ дейдиганлар хилидан еди. Одил рассом негадир кенжаси Нуриддинга меҳри бўлакча бўлиб, уни устахонасидан ҳайдаб чиқармайди. Нуриддин ҳам отаси қилаётган ишларини кўриб, ўзича завқланар ва қўлига мўйқалам олиб расм чизишга тушар ва уни моҳирлик билан бўярди. Шунинг учунми Нуриддинда рассомликка иштиёқ ва истеъдод шаклланмоқда еди. Кейинчалик у билан отаси устахонадан чиқмай ижод қила бошлади.

Бир куни Нуриддин қадалиб “ишлади”. Одил рассом ҳам ўз иши билан овора бўлиб, бунга еътибор бермади. Одил рассом бир пайт бўёққа беланган бармоқларини ирkit қўллаттага арта туриб, аланг-жалаңлади. Буни кузатиб турган Нуриддин отасининг муддаосини сизди ва ирғиб туриб қоғозлар остида қолган “ВТ” кутисидан сигарет олиб, отасининг лабига тутди. Одил рассом ўғлининг зийраклигига шундай деди:

- Ты сматри, Нурик! – деди у кафтининг қирраси билан манглайдаги терни артиб.

- Чекайми-чекмайми деб ўйламасимдан, ниятимни сездинг-а?! 181-бет

Шунда Нуриддин ўз ҳаёлотининг уммонига ғарқ бўлиб, чизган суратини отасига кўрсатди. Отаси ўғлининг ижодига анграйиб қолди. Нуриддин чизган суратда баланд ўсган ўт-ўлан орасида бесўнақай бир кенгуру бўйнини чўзиб ғўдайиб турар, унинг йелкасига маймун мингашган, гиёҳларорасидан бош кўтариб уларга рахна солаётган илон тасвирланган еди.

-Анавини нега миндириб қўйдинг? – деб сўради Одил рассом.

- Маймунчга ачинган-да, илон йеб қўймасин деб кўтариб олган!

- Ўзинг кўрмаган-нетмаган нарсаларни чизиб нима қиласан? Биз томонларда маймун, кенгуру учрамаса, тирик илонни ҳам ўз кўзинг билан кўрмагайсан!..

- Кўрмаган бўлсам, ўйлаб, ҳаёлан чиздим... - деди Нуриддин еътироз оҳангини сездирмасликка уриниб.

Ота ўғлининг айтган жавобидан мамнун бўлсада, унинг тажанглиги тутди. Одил рассом рассом емас, балки оддий нусхакаш еди. Шунинг учунми ўзида йўқ истеъдодини ўғлида кўриб, алами келдими, ўғлига шундай деди:

**- Мақтов ешитиш учун оғзимга сигарет тутдингми?! – деб жеркиди. –
Сенга қолса, ҳозир чизсангу оламга жар солсанг, шундайми?! Ҳаёлан
чизганмиш! 181-бет**

Ота ўғлига бирон ширинсўз айтиб рағбатлантириш ўрнига айтган гапи шу кесатик бўлди. Нуриддин қаттиқ изза бўлди. Нуриддин ёшлигидан ақлу-фаросатли, зеҳни ўткир, интизомли бола бўлиб ўсди. У отасининг юқорида айтган истеҳзоли гапини кўнглига олмади. Бошқа бола бўлганида бу гапдан кўнгли совуб, ижоддан тўхтар ва бу гаплар юрагида еримайдиган муз парчасидек қотиб қолган бўларди. Нуриддин ақллилиги ҳам шундаки, мана шу бир оғиз сўз учун отасидан хафа бўлиб, аччиқ устида расомчилигини ташламади. Зеро, Нуриддинда истеъдод қирралари ёшлигида отасига намоён бўлганди. Одил рассом нусхакашлигини ўзи ҳам билар, аммо юрак ютиб тан олгиси келмасди. У ўзининг чордоқдаги устахонасида қамалиб ижод қилар. У фақат кишиларнинг портретини фото нусхадан андоза олиб чизарди. Ҳақийқий рассомларгина чизмоқчи бўлган суратини табиатдан, ташқи оламдан кузатиш орқали тасвирлайди. Одил рассомда қобилият йўқ, балки унга оллоҳ таоло томонидан берилмагандир. Лекин, бу қобилият учқуни унинг суйган кенжа фарзанди Нуриддинга ином қилинганди. Одил рассом бундан хурсанд ўз билимларини унга ўргатмоқда еди. Нуриддин отасининг ишларига диққат билан разм соларди. Одил рассомнинг нусхакашлигини

хикоя сўнгида, воқеалар силсиласидан англаймиз. Рассом ана шу нусхакашлигидан кишилар орасида юқори обрў-еътиборга сазовор бўлади ва шунинг орқасидан рўзғор тебратади. Рассом ўттиз-қирқ йил ичида таниқли сиймолар суратини яратди.

Бир гал Нуриддин ақлини таниб, зийрак фаросати билан ўспиринлик даврида отасига битта савол берди. Бу савол отасининг ичидаги ески дардли ярасини тирнаб ўтганди.

- Дада, нега фақат одамларнинг суратини чизасиз? – деб қўққисадан савол қотди бир кун Нуриддин. 184-бет

Одил рассом бундай саволни ҳеч кимдан кутмаган еди. Отаси ичида бу ғурбат саволни қўзғатишдан ўзи ҳам чўчир еди. Рассом қўлидаги мўйқаламни бўёққа ботирган экан қизил ранг бўёқ томчиси қондек сизиб оқиб, унинг қуюқ қоши устига ёйилди. Нуриддин қўлсочикни отасига узатмоқчи бўлиб, ўрнидан қўзғалди.

- Керакмас!.. – Одил рассомнинг овози бўғилиб чикди. – Мен шунаққа рассомман!.. Мана шу қон ранги пешонам экану, ич-ичимга сингиб кетган! Сен буни тушунмайсан...184-бет

Гўёки, рассом бу билан пешонамга шу ёзилган экан демоқчи еди. Такдир ҳам уни нусхакаш қилиб яратди. Унинг юқоридаги гапларида алам, изтироб ва ўкинч бор еди. Нуриддин отасининг ичидаги изтиробларини қўзғаб қўйганига ўзидан ранжиди. Отасининг индамасада, юрагида айтмаган армонлари бисёр эканини чуқур ҳис етган ҳолда отасига ич-ичидан ачинди. У энди отасининг аҳволини тушунади ва юрагини сиқадиган гапларни гапирмайди. Ҳар бир касб-ҳунарда қийинчилик бўлганидек, рассомчиликнинг ўзига хос машаққатлари бор. Буни фақат рассомчиликка дахли бор кимсаларгина чуқур ҳис етишади. Инсон зоти борки, ўзи бошидан ўтказмагунча касбнинг қийинчиликларини, ўзига яраша сир-синоатларини осонликча тан олмайди.

Бир куни отаси билан онаси қандайдир дабдабали зиёфатдан қайтишаётганда отасининг таби тириқ бўлиб қайтди. Башарти зиёфатда

отасининг шухрати кўкка кўтарилганди. Нуриддиннинг опалари, акаси отасини қутлаб, қучиб табриклашди. Шу пайт кўнгли тўлиб турган еканми, кутилмаганда отаси шундай бақирди-ки!..

- **Мен рассом емасман!.. Ким мақтаган бўлса п... йебди! Ёлғон-н!.. Сенларга маши керак, маши! Ман-а!.. у шундай деди-ю, гулдор хат халтадан пулларни оила аъзолари бошидан сочди. 191-бет**

Нуриддин шундагина отасининг рассом емас, нусхакашлигини англаб йетди. Бу гал отаси ҳам Нуриддиннинг олдида рассом емас, нусхакашлигини тан олди. У биринчи марта ўғлига дардини айтиб ёрилди ва у билан ота-боладек дилдан суҳбатлашди.

- **Мен рассом емас, нусхакшман... Нуриддин “чурқ” етмади, қулоғи шанғиллаб кетди. Отаси бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг ўғли изтиробда қийналаётганини сизди чоғи, яна ғўлдиради:**
- **Денгиз, ўрмон, осмонни чизинг дейсан... Нур, устахонага қамалиб олиб қиладиган ҳунаримни фақат сен биласан. Уни сен ўргандинг. Мен сенга рассомликни емас, нусха кўчириш ҳунарини ўргатдим. Лекин бир нарсани билиб қўй, мен чизган мана шу нусхалар бор-ку-у шундай деб “минг йиллик” холстга бармоғини бигиз қилди – шулар дунёдан ўтган заҳоти менга ўхшаш нусхакашни рассом ўрнида осмонга кўтараётган замоннинг ҳам думи тугилади... Унутма сен ўша даврнинг одамисан, Нур. Сен кўчага чиқ, одамларга аралаш, ҳаётнинг ичида юр, негаки денгиз, ўрмон ташқарида, устахонада емас. 192-бет**

Рассом бу билан ўғлига сенда қобилият бор, мендан еса фақат нусхакашликни ўргандинг. Сен денгиз, ўрмон, осмонни чизоласан дейди. Сен ҳаётни, балки ундаги ҳамма нарсаларни кузат, уларнинг ичида юр шундагина буюк рассом бўласан демоқчи. Дарҳақиқат, ҳамма соҳаларда бўлганидек, рассомчиликда ҳам қотиб қолмасдан, изланиш, янгилик ахтариш, мавзулар ранг-баранглиги бўлиши керак. Шундагина инсон янги ижод маҳсулини ярата олади. Унинг маҳорати ўсиб бораверади. Ўз

даврининг буюк рассоми деган еътирофга сазовор бўлади. Одил рассом ҳам шуни ўғлига уқтирмакчи бўлди. Ёзувчи ҳам Одил рассом тилидан сўзлатган нуткида рассомликни санъат даражасига олиб чиқолган. Ёзувчи Одил рассомнинг ўғлига насихат бериши орқали ҳар бир ҳунарни пухта егаллашга дават этади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг кўп ҳикояларига еътиборни қаратдиган бўлсак, улардаги бош образларнинг портрет деталини бермайди, балки уларга характеристикани кўпроқ беради. Бу ҳикояда ҳам Одил рассом ва Нуриддиннинг киёфасига тўхталиб ўтмайди, уларнинг сифатлари ички ҳис-туйғуларини очиқ беришга ҳаракат қилган. Мен ҳикоянинг таъсирли нуктасини отасининг насихатлари ва Нуриддиннинг охирида яна ота касбига қайтиб давом еттиришни мақсад қилиб қўйиши деб биламан. Рассомчилик гўзал санъат наъмунаси бўлиб, у инсоннинг енг ички ҳис-туйғуларини, нафосатини бўёқлар орқали тасвирлашдир. Унда инсон қалби намоён бўлади. Чунки, ҳаётга, табиатга не кўз билан қараса, ижод маҳсулини ҳам шундай яратади. Рассом қанча ҳаёт ичида юрса, ҳар бир нарсани теран нигоҳлари билан кузаца, ана шундагина унда янги ғоялар, янги ижод намуналари пайдо бўлади.

Йиллар ўтиб Нуриддин улғайди, отаси вафот етгач, устахонага кирмай қўйди. Нуриддин беш йиллик олийгоҳни битириб диплом олди ва ўз соҳаси бўйича ишламади, балки чанг бостириб сандиққа солиб қўйди. Нуриддин икки дўсти билан тижоратга қўлурди. Чет елга чиқиб ўйинчоқ олиб келиб сотди. У кезлар “тижорат”, “тижоратчи” деган сўзлар енди-енди расм бўла бошлаган, қонун изн бераётган бўлсада, кўпчилик юрак ютиб бу соҳага кирмаган еди. Нуриддин таваккалига темирни қизиғида босди. Ишлари юришиб кетди, даромад ҳам яхши уч йил дўстлари билан биргаликда савдо қилди. Бу вақтларда Нуриддин уйланиб, бола-чақаси билан ота мерос уйида яшаётган еди. Биринчи бўлиб Нуриддин айниди

- **Қачонгача ўйинчоқ ташиб юрамиз, бизнесни катталаштириш керак!**
– деди у режаларини ўртоқлашиб. 182-бет

Иккала жўра уни ниятидан қайтаришга кўп уринди, насибамизга хиёнат қилмайлик деди, лекин қайтаришнинг уддасидан чиқишолмади. Нуриддин тижоратини алоҳида қилиш учун улушини олиб жўраларидан ажралиб чиқди. Аввалига Нуриддиннинг ошиғи олчи бўлиб юришди ва босартусарини билмай қолди. Нуриддин навбатдаги сафарда самолиётда Кунтунбей билан танишди-ю, унга боғланиб қолди. Сафарда икки бегона тижоратчи қиёматли дўст-биродарга айланди. Нуриддиннинг унга шу қадар меҳри товланиб кетдики, аэропортда Кунтунбейнинг юklarини емас, унинг ўзини ҳам кўтариб олишга тайёр еди. Сафардан сўнг у билан алоқада бўлиб турди.

- Тижоратнинг баракаси иймонда, афандим, - деди Кунтунбей. У ниҳоятда босиқ, вазмин ва дона-дона гапирар еди. – Намозни вақтида қилмоқ тижоратдан, дунёча даромаддан-да улуғдир. Сизнинг исмингиз ан-нурким, парвардигорнинг улуғ сифатларидандир. 183-бет

Унинг юқоридаги гапларидан сўнг, Нуриддин намозхон бўлиб, ёца ҳам турса ҳам уни ўйлайдиган, унинг измидан чиқмайдиган, ўғитларини тилидан тушурмайдиган бўлиб қолди. Унга бутун борлиғи билан ишониб қолди.

Бир сафар хатто, хотинидан чордоқдаги устахонанинг калитини сўраб ёқмоқчи бўлди. Хотини жавобан унга керакмас бўлса сиздан ош-нон талаб қилаяптими, турибди чордоқда деди.

- Сурат чизиб ҳеч кимнинг бири икки бўлаётгани йўқ!.. Бу ёғини сўрасанг, чордоқдаги лаш-лушлар одамнинг иккала дунёсини хароб қилармиш! Кунтун айтди... 183-бет

Устахонани ёқиш фикридан хотини қайтарди. Кунтунбей биродари қаллобларча унинг бор-шудини туя қилиб ғойиб бўлди, кўз олдида дунё зимистонга айланиб, есадан оға ёзди. Кунтунбей Нуриддиннинг йетти йиллик йиғиб-терганини қоқиб кетди. Нуриддин ишониб чув тушиб қолаверди. Аввалига қаттиқ сиқилиб, изтироб ичида юрди. Тирикчилик учун у-бу нарсаларни сотиб бироз фурсат рўзғор тебратди. Ўзи ҳам нима иш

қилишини билмай гаранг бўлиб юрди. Дарди битишини кутиб вақт ўтказди. Тирикчиликка чидаб юрган хотини ҳам кейинги пайт қўл қисқалиги жонига тегдими, ерига “чанг” сола бошлади. Уйда биқиниб ўтиравермай, кўчага чиқинг деб хархаша қиладиган одат чиқарди. Нуриддин Кунтунбейни ўйласа бир ҳақиқатни англади. Кунтунни топиш умидида юртига, у орқали орттирган бошқа таниш-билишларга зир қатнади наф бўлмади. Ўшанда Орлибек деган кўз таниш – ўзидан ўн беш ёш кичик боланинг насихати ёдида қолди.

- Одамнинг тақводорлиги, жумладан, намозхонлиги билдирувчи кафолат бўлмайди ака, - деди у. 189-бет

Наҳотки мана шу ўзидан ўн беш ёш кичик бола билган нарсани у билмаса ўзига шундай савол берди. Қайерда хато қилганини англаб йетолмади. Нима бўлди-ю, бир маракад узоқ қариндоши Миржалол тоғани учратиб қолди. Тоға унга бош- оёқ разм солди ва аҳволига ачиниб гап бошлади.

- Одилжон ака раҳматли, зўр сурагчи едилар, сен ҳам еплайсан деб ешитгандим. Бирорта сураг-пуратимни чизиб бермайсанми?.. 185-бет

Миржалол тоға Нуриддиннинг алданиб қолганини ешитган еди. Тоға орада фирибгар топилмадими қабалида Нуриддиндан сўраб ҳам қўйди. Тоға унинг ранг-рўйига ачинибъ жигар сифатида насихат берди. Ўзингни дуч келган ешикка ураверма, отангдан мерос қолган ҳунардан барака топасан, деди. Ҳамма бало – ҳунарсизликда, епини билмасликда, деди. Тоға ҳақ еди, Нуриддин беш йил ўқиб, унда битилган ҳунарни кўчасига ҳам йўламаган, энди еса савдоси ҳам касод аҳволда, ўзи ишсиз, тирикчилкнинг тайини йўқ еди.

Тадбиркор одамнинг ҳаракатидагина емас, ўйловидаям амал бўлади. Миржалол тоғанинг ўйламай-нетмай шунчаки айтган бир оғиз гапи қачондан буён йўқсизликда азоб чекаётган Нуриддин учун нажот йўлига чироқ ёқгандек бўлди. 185-бет

Нуриддин шу ҳақда ўйлаб, дарҳол уйига қайтиб, устахонага кириб расм чизиш иштиёқи юрагига чўғ солди. Тоға ҳақида ўйласа ўзига анчайин тўқ

фарзандларини уйли-жойли қилиб қутилган, иккита катта уч қаватли бино қургани ёдига тушади. Унинг расмини чизса мўмай пул беради , балки момосиникини ҳам чизар. Шу таҳлит ўзини тиклаб олишни ҳаёл қилди. Зўр рассом бўлса, харидорларнинг ўзлари кидириб келиб сурат чиздиради, сўнг шуҳрати овоза бўлиб, бой бўлади. Нуриддин шунақанги ширин ўйлар билан анча вақт ҳаёл сурди. Нуриддин уйига қайтгач, устахонага кириб, отаси чизган эскизларга разм солиб, отасидан яхшироқ ўрганиб олмаганига афсус чекди. Отаси устахонада пайдо бўлди ва Нуриддинга шундай деди:

- Нурик, Нуриддин, - деди Одил рассом. – Йеттита боламдан лоақал биттаси ўрганса ўргана қолсин дегандим. Чинакам рассом ҳар қандай замонда ўлмайдиган мавзу топади, шунинг учун у ҳеч замон оғзини очиб ўтирмай чизади-чизаверади. Илло, сенинг қўлинг кеп қолганини кўриб...юрагим орқага тортаяпти...Билиб қўй, менинг нусхакашлигим ҳунар ҳам, санъат ҳам емас. Буни касб қила кўрма... Шу билан рўзғор тебратгандан кўра... 193-бет

Ота ўғлига ҳақийқий рассом бўл, чинакам рассомларгина ҳамма даврда ҳам ўлмайдиган асар яратади. Рассомликни рўзғор тебратиш учун қиладиган бўлсанг. Нусхакашдек бўлиб қоласан демоқчи. Чунки, моддий жиҳатни ўйласа, буюртма асосида расм чизади, ундан нарига ўтолмайди, балки еркинликни йўқотади. Табиатни, ҳаётни чизолмайди, ўзи истаган мавзуларга қўл уролмайди. Шунинг учун рассомликни кун ўтказиш учун ермак қилма демоқчи Одил рассом. Отанинг насихатида ҳақиқат ётади. Ўғлининг ўзи каби бир қолипдан чиқмай қолишини истамайди. Ундан рассомликнинг ҳақиқий гўзалигини акс еттиришини хоҳлайди.

Хуршид Дўстмуҳаммад бу ҳикояси орқали рассомчилик ўзига хос маҳорат, истеъдод талаб қилишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Ҳикоя “Нусхакашнинг меросхўри” деб номланиши ҳам бежиз емас. Ҳикояда меросхўр Нуриддин бўлиб. У бош образ сифатида танланган. Ёзувчи унинг қобилияти ёшлигидан ривожланиб борганлигини акс еттиради. Ҳикояда сюжет Нуриддин атрофида бирлаштирилган. Унинг Кунтунбейга алданиб

қолиши ҳам ота касбига қайтиш учун қарор қилишга сабаб бўлади. Қайтганда ҳам нусхакаш бўлмасдан, отасига армон бўлган буюк рассом бўлиш учун қайтади. Буюк рус адабиётшунос, танқидчиси Белинский айтган экан. Инсон зўр ёзувчи бўлиши учун 99 фоиз меҳнат бир фоиз истеъдод бўлиши керак деб таъкидлаганлар. Шундай экан рассомликка ҳам шуни қўлласак бўлади. Зеро, бугунги кунда рассомлик санъат даражаси сифатида юксакка кўтарилмоқда. Ёзувчи бу ҳикояда долзарб мавзунини танлаган. Ундаги бош ғоя рассомчилик ўзига хос қобилият талаб қилувчи ниҳоятда залворли касбдир. Ёзувчи ҳикояда ота касбини давом еттириш эканини ҳикоянинг асосий ғояси сифатида талқин этади. Ҳикоя сўнгида ёзувчи ота-боланинг суҳбатини бериш асносида Нуриддинга у отаси йўлидан бориб моддиятни ўйлаб нусхакашликними, ёки буюк рассом бўлиш учун мўйқалам тутишними, қайси бирини танлаш қалб амрига қўйиб беради. Ёзувчининг ҳикояси содда ва самиймий ўқилади. Зеро, бу ҳикояни китобхон ўқиб ўзига яраша ижобий хулоса чиқаради. Ёзувчи еса бунга йўналиш бериб чегараланади. Нуриддин характеридаги инсон бир алданиб ўзига сабоқ чиқарадиган, юмшоққўнгил ва тушқунликни осон йенгадиганлар тоифасидан ҳисобланади. Аминмизки, бундай кишилар ҳаётда қийинчилик билан бўлсада ўз йўлини топиб олишади. Тижоратчилик ҳам унга панд берганда унга ёшлигида оз бўлсада ўрганиб қолган ота касби ёрдам бермоқда. Нуриддин савдогарликдан синганда ҳам, қаттиқ тушқунликка тушиб , ўзини йўқотиб қўймай, балки янги режалар, янги орзулар ҳақида ўйлади.

Ҳаёт қийинчиликларга дош беролмай, йўлда тўхтаб қолган кишиларни бир зумда руҳиятига зарба бериб, йўлдан шафқацизларча олиб ташлайди. Шундай экан инсон доимо олға интилиши керак. Ҳаёт йўллаган ҳар бир зарбасидан хулоса чиқариб, ўзига маънавий куч тўплаши керак. Нуриддин ҳам шундай қилади ва кўп нурли чўққиларни забт этади. Унинг маънавий руҳияси кенг, ижодкор ва кучли ирода соҳибидир. У отаси еришмаган марраларни забт этади, чунки унда худо юқтирган истеъдод заррачалари бор.

Хулоса шундай якунланиши зарур. Ёзувч кўпроқ қаҳрамонларнинг ички руҳиятига еътибор қаратиб, ўзини сўроқ қилишга тутади ва вазиятдан чиқишига йўл очади. Руҳий қарама-қаршиликлар яратиб, иродасини тоблайди. Воқелик ихчам сюжетли қилиб берилсада, мақсад тўғри очиб берилган. Бу ҳикояни инсон руҳиятининг кураши десак муболаға бўлмайди. Ҳикоядаги йечим Нуриддиннинг ўзигагина хавола етилган. Ҳикоянинг ўқишлилигини таъминловчи восита унинг равон тили ва содда ўхшатишларидир. Иборалардан фойдаланганлик унинг таъсирчанлигини ошириб, ҳолат тасвирини тўғри намоён этади. Ҳикоя юксак дид ва юқори ижодкор салоҳияти билан ёзилгандир. Унда қаҳрамонлар тилидан айтилган қисқа муносабат ҳам ҳикояни қисқа ва лўнда мақсадга олиб келган. Акс ҳолда муносабат кўпроқ берилганда, баёнчилик ва сафсатабозликни келтириб чиқарарди.

Беозор қушнинг қарғиши

Ҳикоя 1995-йил ёзилган бўлиб, китобхонларга тарбия берадиган юксак инсоний фазилатлар билан суғорилган. Ҳикояда меҳр-оқибат, шавқатлилик масалалари кўтарилган. Бу ҳикоя бир оиладаги нотинчликнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб беради. Инсоний кечинмаларнинг ер-хотин тимсолида қарама-қаршиликларга учраб, тушкунлик кайфиятини олиб келиши ҳамда катта дилхушликни келтириб чиқариши тасвирланган. Бу ҳикоя қалдирғоч мисолида меҳр-оқибат, қадр ва оила ҳамжиҳатлиги, тинчлиги каби фазилатлат улуғланиши кераклигига еътиборни қаратади. Ҳикоя Қадрия исмли қаймоқфуруш аёлнинг ўтмишда ўз оиласи бошидан кечирган бир воқеани Фозилбекка айтиб бериши билан бошланади. Қадриянинг ота-онаси оилада катта қизи Зулфияни узатиб катта сарф-харажатлар туфайли келиб уришиб, аразлашиб юради.

- **Уйимизда бирон йиғин бўлса, меҳмон-излом келса негадир дадам билан онамнинг ораларидан муқаррар ола мушук ўтмай қўймас еди... Билмадим, нега шундай бўларди?.. 283-бет**

Бу гал ҳам тўй туфайли шундай бўлди. Ер-хотин аразлашиб гаплашмай қўйган, фарзандлар ҳам дастурхон атрофида “чурқ” етиб овоз чиқаришмайди. Шу пайт жимликни бузиб, Умид акам:

- Ур-ре-е қалдирғоч! – деб равонни бошига кўтарди.

Ирғиб ўрнидан турди. 284-бет

Бу икки жуфт қалдирғоч равон шифтидаги қолиб кетган михга қўниб туришарди.

Уч кун шундай ахволда турди ва сўнгра хўл лой парчаларини олб келиб, уя кура бошлади. Болалар еса ҳар куни ётишда шу шифтга қараб, қалдирғочни кузатиб ётишарди. Бу хурсандчилик узокка чўзилмади. Қадрия махзун хотирлаб, йиғи бўғзига тикилибми жим бўлиб қолди. Сўнг отасининг уя солиб бўлганда унинг , сахарда уясини бузиш учун катта таёқда чоғланганини ва онасининг зор қақшаб йиғлашидан уйғониб кетганини айтади.

Онам алам аралаш йиғламсираб яна ёлборди:

- Мани урақолинг, адаси, розиман. Ўлдириг. Фақат қалдирғочнинг инига тегманг! Касофати уради, барака топ... 289-бет

Дадасига бу гаплар жунбушга келган ғазабига мой сепгандек бўлди. Онасининг тагига тахта қоқтираман ифлос қилмайди, тозалаб оламан деган гаплари ҳам кор қилмайди. Майли иримга ишонмасангиз ҳам, қизингиз Зулфиянинг бахтини ўйланг деганида ҳам еътибор бермади. Дадаси Зулфиянинг оиласига нима дахли бор қушнинг деб очиқчасига мазах қилди. Уяни барибир бузиб ташлади.

- Уч ой ўтар-ўтмас Зулфия опам оиласи бузилиб, уйимизга қайтиб келди... 292-бет

Халқимизда бир гап бор қалдирғоч бизнинг қанотли дўстимиз. Шундай экан бу қуш беҳосият уйга ин қурмайди. Ривоятларда ҳам қалдирғоч инсонни хавфу-хатардан омон сақлаб қолган. Модомики шундай экан, биз бу қанотли дўстларимизга меҳр кўрсатишимиз, уясини бузмаслигимиз, тухумлари ва болалрига тегмаслигимиз даркор. Зеро, бу қушнинг қарғиши, инсонларни

бахциз қилади. Ҳикоя ҳам мана шу ғоя асосида суғорилган. Унинг замирида садоқат, вафо туйғулари ҳам мужассамлаштирилган.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам мана шу қушнинг ноёб ҳислатини акс эттириб беролган. Қалдирғоч дўстлик, тинчлик, тотувлик ва фаровон ҳаёт рамзидир. Ёзувчи қалдирғочнинг гўзал қуш еканлигини унга берган ўхшатиш ва сифатлашда ёрқин кўрсатиб беради.

Бирон лаҳза тиним билмайдиган, вижирлашдан чарчамайдиган қушча қўниб ухлаётганида шу қадар мулойимлашадики, юввош, маъсум, беозор тортадики...бечорага ўхшаб қолади... Қанотининг сирти тим-м қора бахмал...каллеси қизғиш, тақир бахмал... томоғи оппоқ шойи!.. Кўзлари қоп-қора мунчоқ дейсан!.. Томошо қилиб туриб, илоҳий қушлигига ишониб қоласан... 288-бет

Ёзувчи қалдирғочни шундай тасвирлайдики, худди товусдек товланадиган қушдек, аслида у кўримсиз кўртинсада, диққат билан кузатган одам бу қушнинг ўзгача гўзллигини кашф этади. Ёзувчи қалдирғочни тинчлик рамзи сифатида олади. Унинг уруш-жанжалли, шовқин-суронли уйга ин қурмаслиги ҳам шундан далолат беради. Унинг беозорлиги шундаки, тинчгина уя қуриб, бола очади ва мавсум тугаганда учиб кетганини ҳам кишилар иш билан сезмай қолишади.

Ёзувчи воқеаларни бевосита қалдирғоч билан боғлайди. Ҳикояда қалдирғочга ижобий тавсиф берган ҳолда, уни тинчлик елчиси сифатида баҳолайди.

Қалдирғочнинг дўстлиги ҳам шундаки, у бошқа қушлардан фарқли равишда уясини одамлар уйига қуради. Бу унинг бизга садоқатини кўрсатади. Бошқа юртларга учиб кетгунга қадар биз билан бўлади. Ёзувчи бу ҳикоя орқали инсонлар билан қалдирғочнинг муносабатини кўрсатиб берган. Ҳикояда қалдирғочга ёмонлик қилгани учун қарғишга учраган оила кўрсатиб берилади. Бугунги кунда халқимиз қалдирғочнинг бизга ишончли дўст еканлигини яхши англаб йетиб, унга меҳр кўрсатишади. Инсон билан қушларни боғловчи ришта бу меҳрдир. Ёзувчи бу ҳикояда ҳам долзарб

мавзу меҳр-оқибатлиликни тараннум етган. Ҳикоя ёзувчининг сўз танлаш маҳорати туфайлигина жонли чиққан. Ҳикояда интерьер ва бадиий санъатлардан унумли фойдаланилган. Қаҳрамонлар нутқига алоҳида ётибор берилиб, ижобий бўёқдорлиги кучли сўзлар танланган.

Масалан,

- Беозор қуш, қарғиши ёмон бўлади, ахир...Ниятингиз шундай экан, нега уч кун қўниб турганида хайдамадингиз? 290-бет

Ёзувчининг ўхшатиш санъатига, тасвир маҳоратига тан бердим. Қалдирғоч уяси бузилганда, Қадрия онасининг ин томон боришини кўрамиз. **Йўргакдаги болажони ётган уйга ўт кетганини кўрган онаизоргина шундайин телба аҳволга тушиши мумкин...290-бет**

Она астойидил уяни сақлаб қолиш мақсадида бор кучини сарф етиб еридан ўтиниб сўрайди. Тошбағир ота бунга ирим-сирим дея бузиб ташлайди. Қушлар ҳам бу касофат уйни қарғаб учиб бош олиб кетишади. Ҳикоядаги бош образ қалдирғоч у рамзийликни ифодалаган. Ёзувчи беозор қушга ҳам меҳр, ҳам яхшиликни раво кўрмаган кўрс ва қўпол ота ва унинг оиласи бошига тушган қизининг бахцизлигини боғлаб, қарғишдан усталик билан фойдалана олган.

ХУЛОСА

Ўзбек адабиётшунослигида ҳикоя жанри тадқиқига бағишланган алоҳида монографик пландаги илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммад бадиий маҳоратини ёритишга бағишланган айрим илмий мақола ва кузатишлар ҳам бор. Лекин уларда бевосита бадиияти, адиб маҳорати каби масаласининг акс этиши махсус тадқиқ этилмаган. Шу маънода мазкур битирув-малакавий ишда асосий мақсад ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бир қатор ҳикоялари таҳлили, бадиияти, асосан, уларда бош қаҳрамонни акс эттиришда ёзувчининг индивидуал услуби, маҳорати кабиларга ҳам этибор қаратилган.

Бунда қуйидаги вазифалар адо этилиши назарда тутилган:

- ҳикоянинг етакчи жанр белгиларини очиб бериш;
- ҳикояларнинг бадиий ўзига хослигини тадқиқ этиш;
- реалистик тасвир принципларини кўрсатиш;
- бош қаҳрамон масаласини ўрганиш;
- бадиий шартлик шаклларини аниқлаш;
- адиб ижодий услубнинг ўзига хослигини ўрганиш.

Ушбу битирув малакавий ишимиз ҳозирги ўзбек насри тараққиётини ўрганишда ҳамда ҳикоячиликдаги ўзгаришларни аниқлашда муҳим манба бўлиши мумкин. БМИ дан реферат ишлари, ёзувчи адабий портрети билан боғлиқ тадқиқотлар ва БМИлар ёзишда фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Х.Дўстмуҳаммад “Беозор кушнинг қарғиши” Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент. 2006 йил
2. Қ.Йўлдошев “ Ёниқ сўз” Тошкент. 2006-й.
3. Қ.Йўлдошев “ Бадиий асар таҳлили методикаси” Тошкент. 2005-й.
4. Б.Тўхлиев “ Адабиёт ўқитиш методикаси” Тошкент. 2008-й.
5. У. Ўлжабоев “ Бадиий тасвир ҳаққонийлиги” “Зиё” нашриёти Гулистон 2006-й.
6. А.Қулжонов “Ўзбек адабий танқиди тарихи” “Зиё” Гулистон. 2008-й.
7. Ҳ.Мирҳайдаров “Тафаккур гавҳари” Хўжанд. 2006й.
8. Н.Раҳимжонов, Қ.Кубаев “Тарихий кассалар ҳақиқат излайди” Адолат нашриёти. Тошкент 2005-й.
9. [http:// WWW/ ziyonet. uz/ ru/ library/ book/](http://WWW/ziyonet.uz/ru/library/book/) Эргашева Ш.Т, Пўлотов А.Р, Табаев.А.З. Битирув малакавий ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича методик қўлланма. Тошкент ирригация ва мелиорация институти. 2008-й.
10. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Адабий асар. -Жилд.1.-Т.: Фан, 2001. – 416 б.
11. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Адабий-тарихий жараён. – Жилд.1.-Т.: Фан, 2002. – 448 б.
12. Н.Ҳотамов. Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 300 б.
13. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 1 жилд. Эпос. -Т.: Фан, 1991.-264 б.
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: 2001. – 93 б.
15. Йўлдошев Қ. Дастлабки довол белгилари // Шарқ юлдузи.-2001.- биринчи фасл. Б. 5-10
16. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – 288 б.
17. Мирзаев И. Тафаккур ва наср. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 192 б.

18. Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. – Т.: Фан, 1991. – 64 б.
19. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
20. Султонова М. Ёзувчи услубига доир (Ойбек, А. Қодирий, А. Каҳҳор, С. Аҳмад прозаси асосида). – Т.: Фан, 1973. – 116 б.
21. Шарафиддинов О. Адабий этюдлар. (адабий-танқидий мақолалар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. – 168 б.
- 22.w.w.w. ref.uz.
- 23.w.w.w. google
- 24.w.w.w. ziyonet uz.
- 25.w.w.w. literature. uz.